

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

Камолиддин Жаббаров

**«Интернет имкониятлари (бизнес, коммерция, кутубхона иши, e-mail,
таълим)»**

Олий журналистика курслари

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

доц. Қудратхўжаев Ш.Т.

Тошкент - 2013

МУНДАРИЖА

I. Кириш.

II. Асосий қисм.

1-боб. Интернет имкониятлари ва Ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилишининг ҳуқуқий асослари ҳамда янги банк маҳсулотлари

1.1. Акт соҳасининг ҳуқуқий асослари

1.2. Электрон банк маҳсулотлари

2-боб. Интернет имкониятлари электрон тўлов тизимлари ва электрон тижорат мисолида

2.1. Электрон тўлов тизимлари

2.2. Электрон тижорат

3-боб. Таълимда интернет имкониятларининг қўлланилиши

3.1. Масофавий ўқитишнинг мамлакатимиз таълим тизимидаги ўрни

III. Хулоса.

IV. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

V. Иловалар.

Кириш

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг мамлакатимизда ривожланишнинг ижтимоий йўналтирилган, босқичма-босқич ўтишга асосланган бозор иқтисодиёти йўли танланди. Бунда жаҳонда ўхшаши бўлмаган ривожланишнинг “Ўзбек модели” йўли ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди. Тарих учун унча катта бўлмаган қисқа муддат ичида бу “Ўзбек модели” ўзининг нечоғлик тўғри танланганлигини ва бугунги кунда натижаларини бутун дунёга кўрсатиб берди. Бугун мамлакатимиз иқтисодиёти жаҳонда жуда камчилик давлатларда кузатилаётган юқори суръатлар билан ўсиб бормоқда. Бу ютуқлар каторида ахборот-коммуникация технологияларининг ва Интернет имкониятлари татбиқ этилаётган соҳаларнинг ҳам ўзига яраша улуши бор. Бунда мазкур соҳалар учун яратилаётган шарт-шароитлар, имтиёз ва устунликлар анча қўл келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” 2012 йил 21 мартдаги ПҚ-1730-сонли Қарорининг ижросини таъминлаш борасида мамлакатимизда барча тармоқлар ва соҳаларда ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) соҳасидаги янги ютуқларни жорий этишга доир изчил чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда¹. Ахборот асри деб ном олган XXI асрда ҳаётимизнинг ҳеч бир лаҳзасини ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Замон шиддатининг ўзи бизни тезкорлик сари чорламоқда. Бунда бизга замонавий техника ва технологиялар, Интернет ресурслари ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш қўл келади. Бугун бу масала давлат аҳамияти даражасига чиқиб улгурди. Анъанавий ҳукуматдан электрон ҳукуматга изчиллик билан, босқичма-босқич ўтиб борар эканмиз, сай-

¹ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 13-сон

харкатларимизнинг асоси сифатида Интернет ресурслари ва имкониятларини мажбурий реквизитлардан бири сифатида белгилаш имконини берди.

Глобаллашув жараёнлари чуқурлашаётган ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ўсаётган паллада телекоммуникация саноати иқтисодиётнинг алоҳида олинган соҳаси сифатида ривож топиши ҳамда иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ахборот-коммуникация технологияларини қўлланилишига доир масалалар устувор аҳамият касб этмоқда. Техник имкониятларнинг кенгайиши ва мазкур саноатнинг салоҳиятини амалиётда тўлақонли қўллаш миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини кучайтиришда муҳим рол ўйнайди ва шу тарзда хусусий ва давлат тузилмаларининг стратегик барқарорлигини таъминлади.

Ҳозирги кунда мутахассислар, гуруҳлар, йирик ишлаб чиқариш корхоналари ёки муассасаларининг фаолияти кўп жиҳатдан уларнинг қай даражада зарурий маълумот ва ахборотлар билан тўла таъминланганлигига, ҳамда ушбу маълумотлардан қай даражада самарали фойдалана олаётганликларига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Аввало бир ечимга келишдан, қарор қилишдан олдин ушбу масалага (соҳага) алоқадор бўлган жуда кўплаб маълумотларни тўплаш, уларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш зарур бўлади. Баъзан бундай маълумотлар миқдори шу қадар кўпайиб кетадики, уларни қайта ишлаш ва таҳлил қилишни махсус техник тизимлар ёрдамисиз амалга ошириб бўлмай қолади. Бундан ташқари, кундалик ҳаётда қабул қилиш, қайта ишлаш зарур бўлган ахборотлар ҳажми ниҳоятда ортиб бораётганлиги сабабли, баъзан уларни гуруҳлар бўйича жамлаш, мақсадли тарзда тақсимлаш ва ишлов бериш кўп вақтни талаб этмоқда.

Ахборот ҳажмининг бу қадар кўпайиб кетиши ҳамда маълумотлар оқимининг тезлашиб боришининг асосий сабабларидан бири ахборот техника, технологияларнинг ривожланиши замонавий энг янги технологияларини қўллаш, иккиламчи хом-ашёлардан оқилона фойдаланиш, энергетик

ресурсларни тежамкорлик билан ишлатиш, инсон меҳнатини энгиллаштириш ҳисобига ошириш босқичига кирганлигидир.

Бу эса, ўз навбатида, юқори даражада ахборотлашган жамият бўлишини талаб этади.

Жамиятнинг ахборотлашув атамаси - Д.Бенк ва Е.Масудолар томонидан илк бор қўлланилган бўлиб, бугунги кунда мавжуд бўлган зиддиятлардан холи бўлган, компьютерлар, информатика, электроника билан уйғунлашиб кетган жамият маъносини англатади. Кенгроқ маънода олсак, ахборотлашган жамиятда – жамиятнинг ахборотлашуви ижтимоий тараққиётнинг асосий қонунларидан бири бўлиб ҳисобланади². Бу инсон фаолиятининг барча соҳаларига интеллектуал меҳнат курали сифатида ахборотларни тезкорлик билан йиғиш, қайта ишлаш, жараён, воқеа ва ҳодисаларни моделлаштириш, уларни таҳлил қилиш имконини берувчи компьютерлаштирилган тизимлар ва бошқа ахборот технологиялари кириб келишини англатади.

Инсоният тараққиётининг барча босқичларида моддий муҳитнинг объектлари асосий меҳнат предметлари бўлиб келган. Давлатнинг қудрати эса, энг аввало олтин захираси, меҳнат ва табиий ресурслари, худуди, жойлашган ўрни, аҳоли сони ва шу кабилар билан аниқланади. Энди эса бу мезон ўз моҳиятини ўзгартириб бормоқда.

Бунинг сабабини қуйидагича тушунтириш мумкин:

Биринчидан, инсон томонидан тўпланаётган билимлар ҳажми ниҳоятда юқори суръатлар билан ортиб бормоқда. Масалан, XVIII асрларда бу ҳажм ҳар 50 йилда икки марта ошган бўлса, 1950 йилга келиб ҳар 10 йилда, 1970 йилда ҳар 5 йилда, ҳозирга келиб эса ҳар 2 йилда икки мартага ошиб бормоқда (эслатиб ўтамиз, бу ҳам муваққат)³.

² Марахимов А.Р., Раҳмонқулова С.И. Интернет ва ундан фойдаланиш асослари. Т.: ТАТУ Электрон кутубхонаси, 2011. – <http://www.vu.tuit.uz>

³ Марахимов А.Р., Раҳмонқулова С.И. Интернет ва ундан фойдаланиш асослари. Т.: ТАТУ Электрон кутубхонаси, 2011. – <http://www.vu.tuit.uz>

Иккинчидан, ушбу билимлар манбасидан фойдаланиш самарадорлигининг ўсиши ҳамда инсон фаолияти давомида қайта ишланадиган ахборот ҳажмининг ортиб бориши меҳнат ресурсларининг моддий ишлаб чиқаришдан ахборот муҳитга қайта тақсимланишига олиб келмоқда. Буни айниқса ривожланган давлатлар мисолида яққол кўришимиз мумкин. Масалан, 1880 йилда АҚШдаги ахборот муҳитда ишловчилар сони умумий ишловчиларнинг 5 % ини, 1900 йилда 10 % ни, 1946 йилда 30 % ни, 1980 йилда 45 % ни, 1990 йилда эса 51 % ни ташкил этган. Ҳозирда бу кўрсаткич 60 % ни ташкил этмоқда⁴.

Шундай қилиб, моддий, меҳнат ва молиявий ресурслар билан бир қаторда янги - ахборот ресурслари тушунчаси ҳам секин-аста етакчи ўринларни эгаллай бошлади. Ривожланган мамлакатларда “ахборот саноатлашган жамият”да “билимлар иқтисоди”, ”ахборот саноати” каби тармоқлар вужудга келмоқда, ахборот ва ахборот технологиялари ишлаб чиқариш тармоғи эса шиддатли ривожланувчи ва энг даромадли тармоқлардан бирига айланиб бормоқда. Агар саноатлашган жамиятда капитал стратегик ресурс бўлиб ҳисобланса, ахборот-саноатли жамиятда ресурс сифатида ахборот, билимлар ва ижодиётни кўришимиз мумкин.

Кўпгина ривожланган давлатлар ўзларининг экспорт-импорт сиёсатларини қайта ишлаб чиқиб, четдан кўпроқ зарур бўлган табиий ресурсларни олиб, ташқарига кўпроқ ғоя, илмий техникавий билимларни ва ахборот технологияларни сота бошладилар. Масалан, Япония, 1990 йиллардан бошлаб кўпроқ машиналар ва қурилмаларни эмас, балки янги илмий-техникавий маълумотларни, ахборотларни ва ахборот технологияларни

⁴ Марахимов А.Р., Раҳмонкулова С.И. Интернет ва ундан фойдаланиш асослари. Т.: ТАТУ Электрон кутубхонаси, 2011. – <http://www.vu.tuit.uz>

(“know-how”, яъни сўзма-сўз “биламан, қандайлигича” маъносини англатувчи маҳсулотлар ва технологияларни) четга сота бошлади⁵.

Эндиликда "Огоҳ бўлсанг олам сеники" деган ибора тобора оммалашиб бормоқда. Айнан мана шундай шароитларда ахборотларни йиғиш, сақлаш, узатиш ва қайта ишлаш жараёнларига нисбатан қўйиладиган талаблар тобора ортиб ва қатъийлашиб бормоқда. Чунки, бу жараёнларни амалга оширишнинг сифати ва тезкорлиги ҳам мос равишда ҳал қилувчи аҳамият касб этиб бормоқда.

Жаҳон бозорининг замонавий ривожланиш йўналишларига кўра, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида инновацияларнинг киритилиши ва уларнинг самарали қўлланилиши корхоналарда бошқарув ва технологик жараёнларнинг самарадорлигини оширишга замин яратиб, иқтисодийнинг турли жабҳаларида мавжуд товар ва хизматлар бозорларини кенгайтириб, янги бозорларни яратиш учун шароит яратади ва шу орқали аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишига сабаб бўлади.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов шундай деб таъкидлайди: “Бугунги кунда ҳаётимизни компьютар техникаси, ахборот технологиялари, Интернет, мобил телефон алоқасисиз тасаввур қилиб бўлмайди”⁶.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Интернет имкониятларининг бизнес, коммерция, кутубхона иши, e-mail, таълим соҳаларида қўлланилиши ва янада кенгроқ татбиқ этилиши ҳамда самарали амал қилиш шарт-шароитлари республикамизда эндиликда ўрганилаётган тадқиқот соҳаларидан ҳисобланади. Бу соҳалар ҳали унчалик

⁵ Марахимов А.Р., Раҳмонқулова С.И. Интернет ва ундан фойдаланиш асослари. Т.: ТАТУ Электрон кутубхонаси, 2011. – <http://www.vu.tuit.uz>

⁶ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисдаги маърузаси. Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

кўп бўлмаган тарихига эга холос. Шунинг учун ҳам мазкур соҳа амалиётини ва назарияси жиддий ўрганиш ҳамда ишлаб чиқишнинг зарурати катта.

Бугунги кунда мамлакатимизда электрон бизнес ва коммерция ўзининг дастлабки қадамларини кўймоқда. Таълим соҳасида Интернетнинг кенг имкониятларидан масофавий ўқитиш, замонавий педагогик технологиялардан амалиётда фойдаланишда ҳамда замонавий кутубхона ишида кенг фойдаланилмоқда.

Соҳанинг ўз ечимини кутаётган муаммоларини ҳал қилиш борасида мутахассислар бир нечта социологик сўровлар ўтказиб, олинган натижалар бўйича аниқ дастурлар ишлаб чиқишган ва буни кенг жорий қилишмоқда.

Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан манзилли равишда ҳудудлардаги соҳанинг оқсашига сабаб бўлаётган муаммоли ҳолатлар танқидий руҳда ўрганиб чиқилиб, мутасадди раҳбарларга керакли кўрсатмаларни беришмоқда.

Бизнинг фикримизча, мазкур муаммо бўйича тўпланган барча карашлар ва фикрлар, мутахассисларнинг бу соҳа назарияси ва амалиётига кўшган ҳиссалари бундан кейинги илмий умумлашмалар ва назарий ҳулосалар ишлаб чиқиш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида Интернет имкониятларининг татбиқ қилинишини ва ҳаракатини ўрганиш ҳамда самарали амал қилиш шарт-шароитларини яратишга қаратилган илмий–назарий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Белгиланган мақсадга эришиш учун куйидаги вазифаларни ҳал қилиш талаб этилди:

- Интернет имкониятларининг бизнес, коммерция, кутубхона иши, e-mail, таълим соҳаларида қўлланилишини ўрганиш асосида соҳага доир янги тушунчаларнинг мазмунини ёритиш;
- Соҳага доир қонунчилик базасини ўзига хос хусусиятларини илмий-назарий таҳлил қилиш асосида муҳим таклифлар ишлаб чиқиш;
- Ўзбекистон Республикасида Интернет имкониятлари (бизнес, коммерция, кутубхона иши, e-mail, таълим)нинг амал қилиши учун яратилган шарт-шароитларни таҳлил қилиш ва уни такомиллаштириш йўллари кўрсатиш;
- Интернет имкониятларининг амалиётда қўллаш самарадорлигини ошириш омиллари ва йўллари кўрсатиш ҳамда тегишли таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг предмети. Интернет имкониятларининг бизнес, коммерция, кутубхона иши, e-mail, таълим соҳаларига ҳаракати ва қўлланилиши самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муносабатлар тадқиқотнинг предмети бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларида Интернет имкониятларининг амал қилиш шарт-шароитлари, иқтисодиёт тармоқлари бўйича жорий қилиниши, ҳаракати ва самарали фойдаланиш жараёнлари мазкур бешта йўналишлар нуктаи назаридан ўрганилади, таҳлил қилинади ҳамда назарий хулоса, илмий таклиф ва амалий тавсиялар билан бойитилади.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асоси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларини иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш негизида жамиятимизнинг ҳар бир жабҳасига кенг жорий этиш ва уларнинг бугунги кунимиздаги улкан аҳамияти бўйича илгари сурган назарий қарашлари, шу жумладан, мавзу билан бевосита ва билвосита шуғулланган маҳаллий ҳамда хорижий олимларнинг қарашлари хизмат қилди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорларидан ва бошқа қонуний-норматив ҳужжатлардан кенг фойдаланилди.

Тадқиқот услуби сифатида илмий абстракция, таҳлил ва синтез, мантиқийлик, макроиқтисодий ва микроиқтисодий таҳлил бирлиги усуллари уйғунликда қўлланилди. Миқдорий кўрсаткичлар динамикада ва қиёсий тарзда кўриб чиқилди.

Диссертациянинг ахборот базаси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат қўмитаси, Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи Кенгаш, “Узинфоком” маркази, “UNICON.UZ” ДУК, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва www.lex.uz қонунчилик базаси маълумотлари ҳисобланади. Шунингдек, халқаро молия ташкилотлари маълумотлари ва матбуотда эълон қилинган статистик маълумотлардан, ҳамда расмий интернет сайтларида эълон қилинган маълумотлардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги асосан қуйидагилар:

- Интернет ресурслари ва у билан боғлиқ тушунчалар тизими ёритилган;
- Интернет имкониятларининг соҳалар бўйича қўлланилиш шакллари туркумланиб, тизимга келтирилган ҳамда самарали иқтисодий ўсишни таъминлайдиган хизмат турларини устувор ривожлантириш таклиф этилган;
- соҳанинг бугунги Ахборот асридаги жорий ҳолати таҳлил қилинган;
- Республикада Интернет имкониятларининг жорий этилишига қаратилган шарт-шароитлар ўрганилган ва унинг муаммолари баён этилган;
- амалиётга Интернет имкониятларни татбиқ қилишни ривожлантириш тамойиллари аниқланган ва уларни амалга оширишга қаратилган чоратadbирлар тизими ишлаб чиқилган;

- Интернет имкониятларни татбиқ қилишда мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган асосий ёндошув ва хулосалар тадқиқ қилинаётган муаммонинг илмий асосларини янада бойитади. Тадқиқот жараёнида эришилган асосий натижа, хулоса ва тавсиялардан Ҳукуматимизнинг соҳага оид Дастурларини ва Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат қўмитаси ҳамда турли тармоқ идораларида Интернет имкониятларининг амалиётга жорий қилиниши ва уларнинг самарали ҳаракатини таъминлашга қаратилган лойиҳа ва дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Диссертация ишининг тузилиши ва таркиби. Диссертация кириш, 3 боб, 5 параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Матнга қатор расмлар илова қилинган. Диссертация матни — саҳифадан иборат бўлиб, компьютерда терилган.

1-боб. Интернет имкониятлари ва АКТ қўлланилишининг ҳуқуқий асослари ҳамда янги банк маҳсулотлари

1.1. АКТ соҳасининг ҳуқуқий асослари

Ҳозирги кунда электрон тижоратнинг энг асосий тамойилларидан бири шундаки, тадбиркорлик субъектлари икки томон қўллаётган шартнома электрон йўли билан амалга оширилади учунгина, унинг қонунийлиги ва ҳақиқатан ҳам мавжудлигини шубҳа остига қўйишга ҳақли эмаслар. Тамойилнинг амалга оширилиши ҳар доим ҳам кафолатланмайди, шунинг учун ҳам баъзи юридик қийинчиликлар вужудга келади. Кўпгина мамлакатларда фақатгина икки томоннинг шахсий имзолари қўйилган шартномаларгина тан олингани учун, бундай ҳолатларда шартнома юридик кучга эга бўлмайди. Шунинг учун электрон тижоратнинг иштирокчилари қонуний тўсиқларни ошиб ўтиш имкониятига эга эмаслар. Юқорида айтиб ўтилган қонуний тўсиқларни ошиб ўтишда ёрдам бериш мақсадида Халқаро савдо (Юнистрол) ҳуқуқи бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) комиссияси, 1996 йилда "Электрон тижорат тўғрисида" қонун қабул қилди. Бу қонун ўзида шартномаларнинг юридик кучи билан боғлиқ бўлган, шартнома оригинали ва нусхалари билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этиш моделини акс эттиради. Қонунда келтирилишича операцияларнинг электрон амалга оширилишининг ҳуқуқий режими функционал эквивалентга асосланади. Давлат қонунчилигига бу қонуннинг жорий этилиши, томонларнинг электрон алмашуви воситасини танлаганида, улар учун ҳуқуқий муҳитни яратиши кўзда тутилади. Бу қонун қабул қилингандан кейин электрон тижорат жараёнларини олдиндан айтиб беришни осонлаштирувчи ва шу билан бирга электрон тижоратнинг бутун дунёда ривожланишига туртки бўладиган меъёр ва қоидалар устидаги иш олиб бориш юзасидан розилликка эришилган. Бундай қонунлар орасида электрон рақамли имзонинг муносабатини йўлга соладиган ҳолатлар санаб ўтилган. Бу саволнинг бунчалик долзарб бўлишига, Интернет ва бошқа тармоқлар орқали

қўлланадиган шартномалар сонининг тез ўсиши сабаб бўлган. Электрон имзогага бўлган ишонч, шартномаларни қабул қилишига бўлган асосий шарт бўлиб ҳисобланади.

1999 йилда электрон имзоларни ишлатиш учун ҳуқуқий асослари директиваси қабул қилинган. Бу электрон тижорат соҳасидаги Европа ва халқаро ҳуқуқларнинг шаклланишидаги навбатдаги кадам бўлди, чунки у электрон тижорат соҳасидаги келажакдаги ривожланиши ва мукамаллашувининг асосий йўналишларини кўрсатиб беради. Шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, Россия учун Европанинг ҳуқуқий тартиботидаги тажрибаси керак бўлади. Директивада рақамли қўлни яратиш учун ишлатиладиган талаблар шакллантирилган. Бундан ташқари шартномани қўллаган томоннинг имзоси ва унинг электрон нусхасининг мувофиқ келиш - келмаслигини аниқлашга ёрдам берувчи сертификат номли ҳужжат кўзда тутилади. Бу сертификатдан ташқари яна шундай бир тушунча мавжудки, унинг номи малакали сертификат, унинг фарқи фақатгина имзоларни солиштиришда эмас, қатор талабларга жавоб бериш мажбурийлигидадир.

Ғарбий Европада асосий жамият жаҳон технологик инқилобнинг навбатдаги қадамига ижтимоий томондан ёндашилади. Инқилоблар Европа мамлакатларидаги ахборот жамиятлари шаклланишининг турли аспектларига бағишланган. Уларнинг ҳар бирида доклад мужассамдир. Умуман юқорида айтилгандек, Европа иттифоқининг ҳуқуқий актларида айтиб ўтилган меъёр ва тамойиллар Россия ва бошқа Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) давлатлари учун қулайдир, чунки булар охириги пайт электрон тижорат учун эволюциянинг натижалари ҳисобланади. Электрон имзонинг ҳуқуқий актларидаги тамойилларининг Россия қонунчилигида жорий этилиши етарли потенциалга эга бўлади деб тасаввур этилади.

Россия Федерацияси (РФ) да ҳозирча электрон тижоратни тартибга солувчи қонунчилик етарли даражада шакллантирилмаган, шунга мувофиқ ҳолда давлатнинг бу ишда фаоллиги ва суд амалиёти мавжуд эмас. Россияда

электрон тижоратнинг юридик амалиётида охириги ишлар натижаси ўларок "электрон ҳужжат", "шартноманинг электрон шакли", "электрон рақамли имзо", "электрон ҳисоблар" каби тушунчалар шаклланди, лекин ўз имзоси билан қўлланган ҳужжатларнинг қўлланиши ҳамон сақланиб келмоқда. Бундан ташқари, ҳудудий меъёрларнинг умумий ривожланмаганини ҳисобга олиш лозим. Халқаро даражада бўлганидек, бу, Россиядаги электрон тижорат ва унга глобал электрон бозорига чиқиши учун юридик тўсиқ бўлади.

Бизнинг республикамызда соҳанинг изчил ривожланиши учун қонун ва қонун ости ҳужжатлари ҳамда уларнинг амалда бажарилиши учун мунтазам тизимли мониторинг олиб борилмоқда. Республикамызда Интернет тармоғи ёрдамида амалга ошириладиган барча операцияларнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Зеро бу тармоқларни ривожлантириш мамлакатимиз иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эгадир. Қонун ҳужжатларини бирма-бир санаб ўтсак.

Ўзбекистон Республикасининг "Электрон тижорат тўғрисида" Қонуни

Ушбу қонун 2004 йил 29 апрел куни қабул қилинган ва 613-П-сон билан рўйхатга олинган. Бу Қонуннинг мақсади электрон тижорат соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Қонун 14 моддадан иборат ва Ўзбекистонда электрон тижоратни ривожлантириш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Қонунда электрон тижорат, унинг иштирокчилари, уларнинг ҳуқуқий ҳолати, электрон тижоратни амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахс тўғрисидаги ахборот, ахборот воситачиларининг хизматлари, шартнома шартлари ва уни тузиш, офертага таклиф этиш, унга қўйиладиган талаблар, электрон ҳужжатлардан битим тузилганлиги далили сифатида фойдаланиш, низоларни ҳал этиш, электрон тижорат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик ҳақида маълумотлар берилган.

Ўзбекистон Республикасининг "Электрон рақамли имзо тўғрисида" Қонуни

Қонун 2003 йил 11 декабрь куни қабул қилинган ва 562-II-сон билан рўйхатга олинган. Бу Қонуннинг мақсади электрон рақамли имзо(ЭРИ)дан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Қонун 22 моддадан иборат. Қонундан соҳада қўлланиладиган асосий тушунчалар, электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш, мазкур соҳадаги махсус ваколатли орган, рўйхатга олиш маркази, электрон рақамли имзо билан қўлда ўзи қўйган имзонинг бир хил ахамиятга эга эканлигини эътироф этиш шартлари, электрон рақамли имзо воситалари, электрон рақамли имзонинг ёпиқ ва очик калитларини яратиш, электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити эгаси ва унинг жавобгарлиги, электрон рақамли имзо очик калитининг фойдаланувчиси, электрон рақамли имзо калитининг сертификати, уни бериш, амал қилишини тўхтатиб туриш, бекор қилиш ва рўйхатга олиш марказида сақлаш тартиби, рўйхатга олиш марказини тугатиш, чет давлатларнинг электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларидан фойдаланиш, муҳр ўрнида ишлатиш, низоларни ҳал этиш, электрон рақамли имзо тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик ҳақида маълумотлар ўрин олган.

Ўзбекистон Республикасининг "Электрон тўловлар тўғрисида" Қонуни

Қонун 2005 йил 16 декабрь куни қабул қилинган ва ЎРҚ-13-сон билан рўйхатга олинган. Ушбу Қонуннинг мақсади электрон тўловлар соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Қонун 23 моддадан иборат. Қонунда электрон тўлов, тўлов тизими ва унинг турлари, тўлов тизимининг коидалари, тўлов тизиминг субъектлари, банклараро тўлов тизими, банкнинг ички тўлов тизими, чакана тўловлар тизими, тўлов тизимининг субъектлари ўртасидаги муносабатлар, тўлов тизими аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, тўлов тизимидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, электрон тўлов ҳужжатини тузиш, унга ишлов бериш, сақлаш ва унинг юридик кучи, электрон тўловларни амалга ошириш муддатлари, электрон тўловлар бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш,

тўлов тизимида ахборот хавфсизлиги ва муҳофазасини таъминлаш, электрон тўловлар тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлиги, низоларни ҳал этиш, электрон тўловлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик ҳақида маълумотлар берилган.

Ўзбекистон Республикасининг "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида" Қонуни

Ушбу қонун 2004 йил 29 апрел куни қабул қилинган ва 611-II-сон билан рўйхатга олинган. Бу Қонуннинг мақсади электрон ҳужжат айланиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Қонун 19 моддадан иборат ва Ўзбекистонда электрон ҳужжат айланишининг ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Қонунда электрон ҳужжат айланиши соҳасидаги давлат сиёсати, электрон ҳужжат айланиши, электрон ҳужжат, унинг реквизитлари, юридик кучи, асл нусхаси ва қоғоз нусхаси, электрон ҳужжат айланишининг иштирокчилари, электрон ҳужжатни жўнатувчи ва уни қабул қилиб олувчи, ахборот воситачиси, электрон ҳужжатни жўнатиш, қабул қилиб олиш ва сақлаш, электрон ҳужжат айланишида электрон ҳужжатларни муҳофаза қилиш, низоларни ҳал этиш, электрон ҳужжат айланиши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик ҳақидаги маълумотлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида"ги Қарори

Мазкур қарор 2012 йил 21 мартда қабул қилинган ва ПҚ-1730-сон билан рўйхатга олинган. Қарорда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолияти самародорлигини ошириш, давлат ва жамият қурилиши соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишни таъминлашга алоҳида эътибор берилган. Ушбу қарорда ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий ва ривожлантиришнинг асосий вазифалари, 2012-2014 йилларда Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация

технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш дастури, 2012-2014 йилларда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг Миллий ахборот тизимига уланадиган ахборот тизимлари рўйхати ва соҳага мутасадди ташкилотлар томонидан қилиниши керак бўлган вазифалар аниқ белгилаб берилган. 2012-2014 йилларда Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш дастури 7 қисмдан иборат бўлиб, ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар, ахборот-коммуникация технологияларининг инфратузилмасини ривожлантириш, соҳанинг кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, Ҳукумат портали, давлат органлари ва давлат интерактив хизматлари сайтларини ривожлантириш, коммерция соҳалари тузилмасига ахборот-коммуникация технологияларининг замонавий воситаларини олиб кириш, аҳоли орасида, шу жумладан, қишлоқ жойларида ахборот-коммуникация технологияларини оммалаштириш каби масалалар қамраб олинган ва устувор вазифалар белгилаб берилган. Коммерция соҳалари тузилмасига ахборот-коммуникация технологияларининг замонавий воситаларини олиб кириш бўлимида иккитта асосий тадбирлар белгилаб берилган бўлиб, улардан биринчиси Интернет тармоғи орқали сўм пластик карточкалар ва бошқа электрон тўлов воситалари билан товар ва хизматларга тўлов тизими имкониятларини янада ривожлантириш учун техник ва дастурий инфратузилма яратишдан иборатдир. Бунга Интернет тармоғи орқали сўм пластик карточкалар ва бошқа электрон тўлов воситалари билан товар ва хизматларга тўловларни қабул қилиш ва қайта ишлаш Миллий тизимини яратиш орқали эришиш белгилаб берилган. Агар бу тадбирлар муваффақиятли амалга оширилса, пул воситаларининг нақд муомаласини камайтириш ва тўлов тизимларини йўлга қўйиш ва оптималлаштиришга эришилади. Иккинчи тадбир тижорат ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишни янада ривожланишини рағбатлантириш бўлиб, бу электрон

тижорат билан шуғулланувчи субъектларни ташкил қилиш ва тугатиш, улар солиқ, божхона ва бошқа имтиёзлар бериш, шунингдек электрон тўловларни амалга ошириш механизмларини янада такомиллаштиришни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори лойиҳасини тайёрлаш билан амалга оширилади. Бу тадбирларнинг муваффақиятли амалга оширилиши электрон тижорат инфратузилмасини, шунингдек миллий маҳсулотларимизнинг чет эл бозорларидаги ҳаракатини ташкил этишни назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Электрон харидлар тизимини мақбуллаштириш ва улардан тадбиркорлик субъектларининг фойдаланишини кенгайтириш тўғрисида"ги Қарори

Мазкур қарор 2013 йил 5 апрелда қабул қилинган ва ПҚ-1948-сон билан рўйхатга олинган. Ушбу қарордан кўзда тутилган асосий мақсад электрон харидлар тизимида давлат улуши устувор бўлган табиий монополия субъектлари, корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини мақбуллаштириш ва кенгайтиришдан иборат. Электрон харидлар бўйича ишчи органи, махсус Ҳукумат комиссияси, унинг Низоми, асосий вазифалари белгилаб берилган. Булардан ташқари электрон харидларда амал қиладиган айрим турдаги товарлар, ишлар ва хизматлар рўйхатини белгилаш тартиблари, электрон савдоларда иштирок этиш қоидаларини ишлаб чиқиш тартиблари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Электрон тижорат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш, шунингдек замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда савдони ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида"ги Қарори

Мазкур қарор 2007 йил 30 январда қабул қилинган ва 21-сон билан рўйхатга олинган. Мазкур қарор билан электрон давлат харидлари тўғрисидаги вақтинчалик Низом, электрон шаклдаги контрактларга

талабларни ва бошқа ҳужжатларининг намунавий шакллари ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, электрон давлат харидларини тизимини яратиш бўйича келишилган лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш назарда тутилган. Булардан ташқари улгуржи ва чакана электрон савдони амалга оширишда тўловларни қабул қилиш ва тўлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек уни амалга оширишда замонавий аппаратлар ва техника воситаларини жорий этиш бўйича мутасадди ташкилотларга белгиланган муддатларда таклифлар тайёрлаш вазифаси кўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали фаолиятини фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори

Мазкур қарор “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2012 йил 21 мартдаги ПҚ-1730-сон Қарорини бажариш юзасидан 2012 йил 30 декабрда қабул қилинган ва 378-сон билан рўйхатга олинган. Шунингдек қарорда электрон шаклда маълумотларнинг тўлиқ айрибошланишини, сўровларни расмийлаштириш тартиботларини жадаллаштириш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш асосида давлат органлари билан тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини оширишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш назарда тутилган. Мазкур қарор билан “Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисида”ги Низом тасдиқланган. Низом интерактив давлат хизматлари портали бўйича асосий тушунчалар, Ягона порталнинг мақсад ва вазифалари, Ягона порталдан эркин фойдаланишга рухсатнома бериш шартлари ва тартиби, портал орқали интерактив давлат хизматларидан фойдаланиш, мурожаатларни бериш ва кўриб чиқиш тартиби, назорат ва жавобгарлик каби бўлимлардан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг "Электрон шаклдаги контрактлар ва электрон тижоратда қўлланиладиган ҳужжатларнинг бошқа намунавий шакллари тайдёрлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги Қарори

Мазкур Қарор Ўзбекистон Республикасининг "Электрон тижорат тўғрисида"ги, "Электрон тўловлар тўғрисида"ги, "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги Қонунларини амалга ошириш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 30 январдаги 21-сонли "Электрон тижоратни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига ҳамда замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда электрон савдони ривожлантириш мақсадида қабул қилинган. Бу қарорда "Электрон шаклдаги контрактлар ва электрон тижоратда қўлланиладиган ҳужжатларнинг бошқа намунавий шакллари тайдёрлаш тартиби тўғрисида"ги Низом тасдиқланган. Низомда намунавий шаклларга қўйиладиган умумий талаблар, контрактдаги томонлар тўғрисидаги маълумотлар, электрон тижорат доирасида амалга ошириладиган электрон операциялар ва тадбирлар ва тўлов тизими субъектлар тўла ёритиб берилган.

Булардан ташқари Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашининг қарорлари ҳам тизимнинг ҳуқуқий асослари ташкил этади.

1.2. Электрон банк маҳсулотлари

Бугунги глобаллашув даврида ҳеч бир тармоқни, қолаверса соҳани ҳам ахборот коммуникация технологиялари воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози ривожланган Европа давлатларининг иқтисодиётида ўзининг ачинарли оқибатларини намоён қилаётган бир пайтда бизнинг иқтисодиётимиз дадил равишда ривожланиб бормоқда. Мамлакатимиз банк-молия тизимининг юқори кўрсаткичлар билан ривожланиб боришида янги банк хизматларининг ҳам ўз улуши бор. Бунда асосан эътибор бу янги банк хизматларининг модернизация қилинишига қаратилади. Зеро бугун банк соҳасида янги маҳсулотларни жорий этмасдан ва мавжудларини такомиллаштирмасдан туриб кўзланган натижага эришиб бўлмайди.

Кундалик турмушимизнинг барча соҳаларида бўлгани каби бугун Интернет ва унинг имкониятлари банк соҳасини ҳам ишғол қилиб улгурди. Халқаро Интернет тармоғидан фойдаланиб амалга ошириладиган, Интернет-банкнинг номини олган хизмат тури шу сай-ҳаракатлар натижаси ўлароқ пайдо бўлди. Электрон банкинг бу банк хизматларининг банк офисларида мижоз ва банк хизматчилари билан бевосита эмас, балки мижозлар учун қулай бўлган жойда, уйда, мижознинг офисида амалга оширилишидир. Жаҳон савдо бозорларининг интеграцияси кучайиши натижасида бугун электрон банкинг электрон бизнеснинг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Эндиликда бу хизматлар пакети мижозларга қуйидаги йўналишларда ўз хизматларини тақдим этмоқда:

1. Онлайн ахборот хизмати;
2. Рақамли пуллар эмиссияси;
3. Электрон тўловлар ва ҳисоб-китоблар;

4. Электрон воситалар кўмагида амалга ошириладиган ссуда-депозит, валюта ва фонд операциялари.

Иқтисодий нуқтаи назардан электрон банк хизматларини чакана ва улгуржи турларга ажратишимиз мумкин.

Кредит ташкилотлари томонидан чиқариладиган ва хизмат кўрсатиладиган банк пластик карточкалари ва шунингдек банкоматлар ва электрон ҳисоб-китоблар (Интернет ҳисоб-китоблари) хизматлари чакана электрон банк хизматларини ташкил этади.

Кредит ташкилотлари ва Тўлов тизимларининг банклараро электрон ҳисоб-китоб хизматлари, улар молиясининг тармоқ ва халқаро компьютер тармоғи(Интернет) орқали бошқарилишлари бу хизматларнинг улгуржи турларига киради.

Даставвал электрон банк хизматлари банк ахборотлари билан танишиш, унинг янги хизмат турлари ва уларнинг шартлари билан, мухтасар қилиб айтганда, маълумотлар тизими сифатида фаолиятини бошлаган. Кейинчалик бу пакет ўзида ҳисобларни бошқариш хизматларини таклиф эта бошлади. Бугунги кунга келиб бўлса, банклар томонидан кўрсатиладиган барча хизматларни, шу жумладан, кредит олишнинг содда турларини ҳам электрон банк хизматлари орқали бемалол амалга ошириш мумкин. Банк ва мижозлар ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида банклар томонидан “интерактив банк-мижоз” ва телебанкнинг хизматлари йўлга қўйилмоқда.

Электрон банк хизматларининг “интерактив банк-мижоз” тури шахсий компьютерни алоҳида алоқа канали орқали банкнинг серверига улаб, деярли барча хизмат турларидан фойдаланиш имконини беради.

Электрон банкинг хизматларини амалга оширишда банклар икки хил ёндашувдан фойдаланишади. Биринчи гуруҳ банклари ўз мижозларига хизмат

кўрсатишда “client-based” ёки РС-банкнинг деб номланувчи, мижознинг ўз компьютерига махсус дастурий таъминот ўрнатиш орқали фойдаланиладиган ёндашувни хуш кўришса, иккинчи гуруҳ банклар “Internet-based” ёки Интернет-банкнинг деб номланувчи, банк томонидан ёки Интернет провайдерлари томонидан тақдим этиладиган, замонавий Интернет тармоғидан фойдаланиб ишлайдиган дастурий таъминотлар орқали ўз хизматларини тақлиф этишади⁷.

Ҳозирда мамлакатимизда электрон банк хизматлари фаолияти 2003 йил 11 декабрь куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Электрон рақамли имзо тўғрисида" Қонуни ва бошқа қонунлар билан ҳуқуқий тартибга солинади. Мазкур Қонуннинг мақсади электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

РС-банкнинг тизимида банк тармоғига модем орқали уланиб, барча операциялар амалга оширилади. Бу уланишнинг асосини банклар томонидан тақдим қилинадиган молия операцияларини бошқарадиган махсус дастурий таъминотлар ташкил қилади.

Интернет-банкнингда бўлса банкнинг мижозлари банкнинг сервер тизимига Интернет тармоғи орқали тўғридан-тўғри уланадилар. Интернет-банкнинг қуйидаги шаклларда намоён бўлиши мумкин:

- ✓ Қимматли қоғозлар бозоридаги масофавий банк хизматлари;
- ✓ Нақд пулсиз ҳисоб-китобларда қўлланиладиган хизматлар тизимлари;
- ✓ Молиявий ҳамкорлар томонидан тўловларни амалга оширилишини назорат қилувчи хизматлар тизимлари ва б.

⁷ Куцев А.Г., Тарханова Е.А. Новые банковские продукты: Учебное пособие. Тюмень: ТюмГУ, 2007. с.30.

Булардан ташқари Интернет-банкнинг хизматлари мобил телефонлар воситасида ҳам (мобил Интернет) амалга оширилиши мумкин. Бунда улар WAP-банкнинг ва SMS-банкнинг кўринишларида намоён бўлади.

WAP-банкнинг мижоз телефониغا симсиз маълумотларни узатишга мўлжалланган протоколлар асосида ишловчи махсус дастурий таъминот ўрнатиб, мижознинг банк ҳисобларини бошқариш имконини берадиган хизмат туридир.

SMS-банкнинг хизмати бўлса бирмунча соддароқдир. Сабаби бугунги кунда уяли алоқа операторларининг барчасида бу хизмат мавжуд. Мижоз қисқа SMS хабарлари орқали банкдаги ўзининг ҳисобларида маълумотларни, хусусан, ҳисоб қолдиғини, талаб қилинган давр учун ҳисобдан кўчирмаларни олиши мумкин.

Бугун мижознинг банкдаги пластик картасининг номери унинг мобил телефонидаги номери билан узвий боғланган. Бу боғланиш мижозлар учун анчайин қулайлик туғдиради. Хусусан:

- Ҳисоб рақамининг ҳолати (қолдиғи) тўғрисида маълумот олиш имконияти;
- Мобил телефон ёрдамида даврий тўловларни амалга ошириш;
- Талаб қилинган давр учун ўз ҳисоб рақамидан кўчирмалар олиш имконияти.

Банкнинг бу хизматидан фойдаланиш учун мазкур хизматни кўрсатиш хусусида банк маъмурияти билан шартнома тузилади. Кейин бажариладиган барча операциялар банкнинг SMS-банкнинг серверида тўлов-маълумот терминали орқали амалга оширилади. Мижознинг мобил телефони рақами ва пластик картасининг рақами билан боғлиқ барча операциялар ҳам шу серверда ҳисобга олиб борилади. Яъни мижознинг телефони худди унинг банк картасидек карта ҳисобига кириш воситасига айланади. Бу тизим доирасидаги

барча операциялар мижоз билан, сервернинг SMS хабарлари орқали, ҳамкорликда амалга оширилади. Тизимнинг бу тартибда ишлашининг устунлик томонларини қуйида яққол кўришимиз мумкин:

- Мижоз банкга маълум вақт оралиғида келиб, (масалан: ойда бир марта) замонавий технологияларни танлаш имкониятига эга;
- Мазкур тизим амалиётда реал вақт режимида(on-line) ишлайди;
- Мижознинг бу хизматдан фойдаланиши унинг касса-ҳисоб хизматлари харажатларини камайишига олиб келади;
- Касса-ҳисоб хизматларининг автоматлаштирилиши келгусида ходимлар штатлари сонини оптималлаштиришга сабаб бўлади;
- Хизматдан туну кун фойдаланиш мумкин;
- Банк ва мижозлар орасида ҳужжатлар айланишини камайтиради.

Ўзининг устунлик тарафларини намоиш этгани сари банклар бу хизмат турларини янада кенгроқ таклиф этмоқдалар. Бунда мижозга ҳисоб рақамига пул воситаларини тушиши ва қутилмаган қарздорликлар пайдо бўлганда хабар бериш ҳамда банк пластик карточкаларидан транзакцияларни амалга оширишда SMS-нотификациялардан фойдаланиш ҳам эътиборга олинган.

Мутахассисларнинг таъкидлашларига қараганда SMS-банкнинг WAP-банкнингга қараганда биринчидан арзонлиги ва иккинчидан маълумотлар узатиш тезлигининг юқорилиги билан истиқболлидир⁸.

Видеобанкинг бу мижоз билан банк ходимининг интерактив мулоқоти, яъни видеоконференциясидир. Одатда видеобанкингни амалга ошириш учун “Информацион киоска” деб номланадиган қурилмадан фойдаланилади. Бу аппарат сенсорли экран билан жиҳозланган бўлиб, бу экран воситасида мижоз

⁸ Куцев А.Г., Тарханова Е.А. Новые банковские продукты: Учебное пособие. Тюмень: ТюмГУ, 2007. с.33.

турли маълумотларни олиши, банк ходими билан мулоқот қилиш ва ходимнинг ёрдамида турли операцияларни амалга ошириши мумкин. Бу қурилмалар одамлар гавжум жойларга ўрнатилади ва одатда банкоматлар билан бирга бўлади.

Телефон банкинг (телебанкнинг)да бўлса, мижоз реал вақт режимида тўловларни амалга ошириш, кўчирмалар олиш каби операцияларни телефон(факсимил) алоқаси орқали амалга оширади. Мижозлар шахсига аниқлик киритиш мақсадида код, пароллар ва динамик калитлар тизимидан фойдаланилади. Бу хизмат мижозларга турфа хил маълумотларни оғзаки ва ёзма кўринишларда олиш, шунингдек ўз ҳисоб рақами орқали операцияларни амалга ошириш имкониятини яратади.

Мобил банк хизматлари электрон банкинг хизмат турларини бир-бирларига яқинлашишига, имкониятларнинг тенглашувига олиб келмоқда. Уяли телефонлар, шахсий электрон ёрдамчилар, Интернет тармоғига уланган компьютерлар ва б. Сўнги ислоҳотлар натижасида шахсий компьютерлар орқали амалга ошириладиган банк хизматларига катта эътибор берилмоқда.

Бутун Жаҳон Банкинг маълумотларига қараганда, Интернет-банкнинг одатий аналог банк хизматларига қаралганда 2-3 баробар кам ҳарж ва Web-транзакцияларнинг айланиши одатий каналларга қараганда 5-10 баробар арзонга тушар экан⁹.

Тижорат банклари мижозларга ўзларининг электрон банк хизматларини таклиф этишаётганда нафақат юқорида санаб ўтган номларимиздан фойдаланишади, балки home банкинг ва online-банкнинг ибораларидан ҳам фойдаланишади. Бу хизматлар пакети нима деб аталишидан қатъий назар улар анъанавий банк методларидан қуйидаги фарқли жиҳатлари билан мижозлар эътиборини жалб этмоқда:

⁹ Куцев А.Г., Тарханова Е.А. Новые банковские продукты: Учебное пособие. Тюмень: ТюмГУ, 2007. с.34.

- Мижозлар банк билан уйдан, офисидан (Интернетга уланиш имконияти, уяли алоқа хизмати мавжуд бўлган хоҳлаган жойдан) туриб боғланишлари мумкин;
- Хизмат суткасига 24 соат, ҳафтасига 7кун фаолият кўрсатади (тўловлар тўғридан тўғри тўлов тизимларининг иш вақтлари билан ва ҳар хил вақт зонасидаги контрагентлар билан амалга оширилганда бундан мустасно);
- Транзакция операцияларининг бажарилиши ва тасдиқланиши деярли бир вақтда амалга оширилади (маълумотларни узатиш уларни банкоматларда қабул қилиш вақтлари билан деярли устма-уст тушади);
- Таклиф этилаётган хизматлар кўламининг кенглиги – мижозлар оддий банкдаги ҳисоб варағи операцияларидан тортиб ипотека кредитларини олишга аризалар билан мурожаат қилишлари мумкин.

Юқорида санаб ўтилган банк хизматларини кўрсатиш ҳамма банкларда ҳам бир хилда таклиф этилмайди. Соддароқ – ҳисоби ҳақида маълумот олиш, тўлов учун электрон ҳисобларни буюрма бериш ва уларни олиш каби хизматлар деярли барча банклар томонидан амалга оширилади. Бироз мураккаброқ – кредит (ссуда) олиш учун, ўз ҳисоби ҳақидаги маълумотларни ўз компьютерига кўчириб олиш ва чет эл валютасини сотиб олиш, сотиш каби хизматлар учун ёзма равишда ариза билан мурожаат қилиниши керак. Ҳозирда барча хизматларни виртуал тартибда амалга ошириш учун изланишлар орлиб борилмоқда. Чунки мижозлар билан кенг қамровли виртуал алоқаларнинг йўлга қўйилиши операциялар учун ҳаражатларнинг камайишига, мутахассисларнинг иш ҳақларидан ва банк офислари учун ижара ҳақларининг тежалишига олиб келади. Банкларнинг филиаллари ва қўшимча офисларини ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши Интернет тармоғида кўп тармоқли банк порталини ташкил қилишдан кўра анча қимматга тушади.

Электрон банкингда сарф-ҳаражатларнинг кам бўлиши мижозларни жалб қилиш ва ўзида сақлаб қолиш – бу асосан тариф сиёсати ва хизматга комплекс ёндашувдир. Мижозларга масофавий ахборот хизматлари бепул,

тўлов хизматлари бўлса камайтирилган тарифларда амалга оширилади. Мисол тариқасида Россияни олиб қарайдиган бўлсак, “Альфа-банк”да “Электрон банк” тизими орқали тўлов операцияларини амалга ошириш “Альфа-банк Экспресс” бўлими орқали амалга оширишга қараганда 20 % га арзонроқга тушади¹⁰.

Рақобатда ютиб чиқиш учун банклар томонидан тақдим этилаётган хизматлар пакети ҳар томонлама тўлақонли бўлиши керак. Бунинг учун бу пакетларда қуйидаги хизматлар спектри мавжуд бўлиши керак:

1. Тўловларни масофадан туриб амалга ошириш;
2. Алоқа ва коммунал хизматлар учун тўловларни амалга ошириш;
3. Омонотлар очиш;
4. Пластик карталар ёрдамида амалга ошириладиган ҳисобни тўлдириш операциялари;
5. Операциялар хусусидаги маълумотларни кўриш имконияти ва бошқалар.

Амалиётда Электрон банкинг банк офисларининг ўрнини олишга ҳаркат қилмоқда. Банклар ва уларнинг офислари тақдим этаётган деярли барча хизмат турларини Электрон банкинг ҳам тақдим этмоқда. Фақатгина битта операция, кредитлар бериш тизими бугун хавфсизлик нуқтаи назаридан банк ходимлари ва мижознинг юзма-юз учрашувидан кейингина амалга оширилмоқда. Бугун банк олдида турган асосий вазифалардан бири ҳам шу масалани охиригача, узил-кесил ечишдир. Банклар томонидан мижозларга қулайлик яратиш борасида бир қанча амалий натижаларга эришилмоқда. Мижозларга банкнинг расмий сайтига кириб, кредит калькулятори ёрдамида назарда тутилаётган кредит ҳисоб-китобларини амалга ошириш, кейин турига қараб чакана ва ипотека кредитларига сайтнинг ўзида аризани

¹⁰ Куцев А.Г., Тарханова Е.А. Новые банковские продукты: Учебное пособие. Тюмень: ТюмГУ, 2007. с.35.

расмийлаштириш ва ниҳоят уни банкнинг кредит кенгашига кўриб чиқиш учун жўнатиш имкониятлари яратилган. Лекин кредит кенгашидан ижобий қарор келадиган бўлса, мижоз банкка бориши, дастлабки ҳужжатларнинг асл нусхасини тақдим этиши ва кредитни олиши керак бўлади.

Муҳтасар қилиб айтадиган бўлсак, барча электрон банк (on-line) хизматларини қуйидаги иккита гуруҳга жамлашимиз мумкин:

1. Банк операциялари – омонот сақлайдиган ҳисобларни, Интернет тармоғи орқали ҳисоб-китоблар амалга ошириладиган жорий ҳисобларни ва пластик карточкаларни очиш ҳамда уларни юритиш;
2. Инвестиция операциялари – мақбул инвестиция лойиҳаларини қидириш, маслаҳат, брокерлик ва маълумотлар хизматлари.

Юқорида кўрсатиб ўтилган тўсиқларга қарамадан Электрон банкинг илдам қадамлар билан ривожланмоқда. Бу хизмат турларини тақлиф этаётган банклар сони кундан-кунга ортиб бормоқда.

Бу хизмати тури бизда 2007 йилдан амалиётга жорий қилина бошлади. Аввалига бу интерактив хизмат корпоратив мижозлар учун йўлга қўйилган бўлса, 2009 йилдан эътиборан жисмоний шахсларга ҳам кўрсатила бошланди¹¹. Бу ишни “Самарқанд банк” бошлаб берган эди. Ҳозирда мамлакатимизнинг етакчи тижорат банклари ўзларининг кундалик операцияларида мижозлар билан Интернет тармоғи орқали фаолият юритаётганлиги фикримизни тасдиқлайди. Булар “Ипак йўли банк” (Ипак йўли-Online), “Самарқанд банк” (Самарқанд-Online), ТИФ “Миллий банк” (R-bank), “Турон банк”, “Ўзсаноатқурулишбанк”, “Ҳамкорбанк”, “Asia Alliance bank”, “Hi-Tech bank” (i-bank), “Invest Finance bank” ва бошқалардир.

Республикамизнинг банклари томонидан тақлиф этилаётган Интернет-банкнинг хизмати мижозлар учун қуйидаги қулайликларни яратмоқда:

¹¹ Турсунов Л. Мобиль ва Интернет-банкнинг: Ўзбекистонда унинг фойдаланувчилари қанча? – <http://www.xabar.uz>. (20.04.2012)

- Банкка барча турдаги молия ҳужжатларини жўнатиш, банк билан маълумот алмашиш имконияти, вақтни ва транспорт харажатларини тежаш имконияти;
- Исталган вақт оралиғи учун банкдаги барча ҳисоб рақамлардан кўчирмалар ва ҳужжатлар олиш имконияти;
- Хатолар тўғрисидаги маълумотларни оператив қабул қилиш;
- Унча мураккаб бўлмаган кредит операцияларини дастлабки босқичини амалга ошириш;
- Кириш ва чиқиш тўлов ҳужжатларини кўриш ва қоғозга тушуриш имконияти.

Масофадан хизмат кўрсатиш онлайн ва офлайн каби иккита тоифага бўлинади. Офлайн режимида мижозларга хизмат кўрсатиш реал вақт режимида амалга оширилмаганлиги учун муаммо келтириб чиқаради. Мижознинг банк операциясини амалга ошириш истаги билан банкнинг ушбу операцияни бажариш хусусидаги фармойиши оралиғидаги фарқ пайдо бўлади. Бу вақт оралиғи мижоз фармойишининг банкка қанча вақтда етиб келишига боғлиқдир. Онлайн режимда бўлса банк мижозининг ўзи операцияни амалга оширишда ташаббускор бўлади ва операциялар реал вақт режимида амалга оширилади. Бунда маълумотларни мижоздан банкка етиб келишига тенг бўлган вақт фарқланади. Интернет-банкнинг ва “банк-мижоз” хизматларининг ҳар иккаласи ҳам онлайн режимда ишлайди.

Онлайн режимнинг офлайн режимга қараганда истиқболлик даражаси анча юқоридир. Буни қуйидаги аниқ далилларда кўришимиз мумкин:

- Интернет глобал тармоғидан фойдаланувчилар сони кун сайин ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, Ахборотлаштириш ва Телекоммуникация Технологиялари Давлат Қўмитаси (ЎзААТТДҚ)нинг расмий маълумотларига кўра, 2013 йил 1 январь ҳолатига Интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони 9 815 000 кишини ташкил қилади;

- Электрон тижорат ҳажмининг ошиб бораётганлиги. Бу дастак банкларга реал вақт режимида Интернет тармоғи орқали хизмат кўрсатиш турларини кўпайтириш ва такомиллаштиришга замин ҳозирламоқда. 2013 йил 1 январь ҳолатида республикамиздаги Интернет оператор ва провайдерлари сони 930¹² тага етган;
- Мижозларга Интернет тармоғи орқали банк хизматлари кўрсатилганда чиқимлар сарфининг анча кам бўлиши;
- Электрон тижорат ҳажмининг ривожланиб бориши билан жисмоний шахсларга Интернет орқали банк хизматларининг кўрсатиш зарурияти. Сўзимиз исботини рақамларда келтирадиган бўлсак, жорий йилнинг 11 февраль куни миллий .UZ домени ҳудудидаги доменлар сони 16 минг тага етди. Бу кўрсаткич 2010 йил 25 февралда 10 000 тани ташкил қилган эди¹³.

Экспертларнинг таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, жаҳонда масофадан банк хизмати кўрсатиш хизматларидан фойдаланувчи мижозлар сони 2008 йилда 200 миллион кишидан ортиқ бўлган. Жаҳон Банкининг маълумотларига таянадиган бўлсак, бу кўрсаткич 2010 йилда 300 миллионга етган ва ривожланган давлатларда бу хизматларнинг тармоқларга татбиқи даражаси 90 фоиздан юқорини ташкил қилган. Дунё бўйича мижозларга масофадан банк хизмати кўрсатиш бўйича АҚШнинг виртуал банклари биринчиликка эгалар.

Сўнги пайтларда МДҲ давлатлари орасида бу хизмат тури РФда кенг тарқалмоқда. 2010 йилга келиб РФда интернет-банкнинг хизматидан фойдаланувчилар сони 4 миллион кишидан ортиқни ташкил этган, бу кўрсаткич йилдан йилга жадал суръатларда ўсиб бормоқда, шуларнинг 10 фоизи юридик шахслар ва 90 фоизи жисмоний шахслардир. Бунда РФдаги интернет-банкнинг хизматини мижозларга тақдим этадиган кўпчилик банклар

¹² Показатели развития отрасли. - ЎзААТТДҚси расмий сайти. – <http://www.ccitt.uz>. (31.01.2013)

¹³ Есть 16000 доменов в доменной зоне .UZ. – UZINFOCOM компьютерлаштириш ва информацион технологияларни татбиқ этиш ва ривожлантириш Марказининг расмий сайти.- маълумотлари. – <http://www.uzinfocom.uz>. (11.02.2013)

“iBank 2” тизимидан фойдаланишади. Бу тизим Россиянинг 30 дан ортиқ банкларидан амалиётга татбиқ этилган. Альфа-банк, Росбанк ва Сбербанкларни шулар ичидан алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин¹⁴.

Республикамизда Президентимизнинг ташаббуслари билан амалга оширилаётган 2013 йилга Инвестиция дастури доирасида телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва замонавий хизматларни жорий қилиш борасида талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Қолаверса бугунги кунда бу хизмат турларини ривожлантириш борасида ишлаб чиқилган социологик маркетинг сўров дастури асосида амалий ишлар амалиётга жорий этилмоқда. Агар 2011 йил бошида 24 545 нафар киши масофавий банк хизматларидан фойдаланган бўлса, бۇ кўрсаткич 2012 йил 1 январга келиб 56 735 нафарга ва 2013 йил 1 январь ҳолатига 108 496 нафарга етган¹⁵. Республикамизда электрон тижоратни муваффақиятли амалга оширилишида ЭРИ аҳамияти бекиёсдир. ЭРИдан фойдаланганда хавфсизликни таъминлаш борасида бир мунча самарали фаолият амалга оширилмоқда. Бунда бизга ўзимизнинг, миллий дастурий таъминот маҳсулотларимиз қўл келади. Ҳозирда республикамизда 250 га яқин хўжалик юритувчи субъектлар бу соҳада фаолият кўрсатмоқдалар. ЭРИ калитлари ва сертификатлар сони кун сайин ортмоқда. Бу рақам 2013 йил бошида 286 503 тани ташкил этди. Республикамизда йиллик рўйхатдан ўтказиладиган маҳсулотлар сони бу йил 200 дан ортиқни ташкил этди¹⁶.

Бугунги кунда ўз натижаларини кўрсатаётган социологик маркетинг тадқиқотлари натижаларидан келиб чиқиб, юқорида айтиб ўтилган янги банк хизматларини мамалакатимизда амалиётга тезлик билан татбиқ қилиш учун қуйидагиларни таклиф қилинмоқда:

¹⁴ Алиқориев Ф.О. Интернет-банкнинг – инновацион банк хизмати. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. – 2011. - № 1. 7-б.

¹⁵ Система дистанционного банковского обслуживания. – Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг расмий сайти. – <http://www.cbu.uz>. (05.02.2013)

¹⁶ Показатели развития отрасли. – ЎзААТТДҚси расмий сайти. – <http://www.ccitt.uz>. (31.01.2013)

- Жорий хизматларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;
- Мамлакатимиз банкларида Интернет-банкнинг, банк-мижоз ва мобил-банкнинг тизимлари каби хизмат турларини жорий этишни кенгайтириш;
- Жойларда банк мутахассислари ва мижозлар учун ўқув семинарлари ва тренинглар ўтказиш, бунда ОАВ имкониятларидан кенгрок фойдаланиш;
- ЭРИнинг ҳавфсизлигини таъминлашнинг бугунги кун талабларига мос келадиган дастурларини ишлаб чиқиш;
- Масофадан банк хизматлари кўрсатишда нафақат одатий, балки кредит бериш каби мураккаброқ хизмат турларини ҳам ҳавфсизлик масаларини ҳисобга олган ҳолда ривожлантириш;
- Интернет-банкнинг тизимида ҳам миллий валютада, ҳам чет эл валютасида муддатли омонотлар очиш ва уларни юритишни жорий қилиш лозим;
- Янги банк хизматларини ривожлантириш учун илмий тадқиқот ишларига кўпроқ этибор бериш лозим.

Бугун бу хизматлар соҳасида бутун дунё бўйлаб бир неча триллионлаб АҚШ доллари миқдорида маблағ айланади.

Сўзимиз якунида шуни ишонч билан айтишимиз мумкинки, иқтисодиётнинг жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган бир пайтида янги банк хизматлари соҳасини модернизация қилиш ва янада такомиллаштириш банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга ва ахборот асрининг кутилмаган вазиятларига тезкор жавоб бера олиш дастакаларидан биридир.

2-боб. Интернет имкониятлари электрон тўлов тизимлари ва электрон тижорат мисолида

2.1. Электрон тўлов тизимлари

Йигирма биринчи асрга келиб Интернет самарали тижорат маконига айлана бошлади. Компьютернинг олдидадан жилмасдан туриб барча имкониятлардан фойдаланила бошланди. Бунда харид қиланётган товар ва истеъмол қилинаётган хизматларга ҳақ тўлашни қандай шаклда амалга ошириш энг асосий муаммолардан бири эди. Бундай ҳолларда вақт йўқотишлар, банкга ёки офисга бориб пул тўлашдаги ноқулайликлар Интернет орқали харид қилишнинг бир мунча устун эканлигини кўрсатади. Кредит карточкалар воситасида Интернет орқали тўловларни амалга ошириш тезда оммалаша бошлади. Лекин бир харидорнинг тўлаган пули иккинчи харидорда пайдо бўлиб қолиши, етказиб берувчи ва харидор ўртасида тўғридан-тўғри алоқанинг йўқлиги, бу муаммаони ечимини топиш учун банкларга яна ортиқча муаммоларнинг тўғилиши бу тизимнинг хавфсизлик талабларига унчалик ҳам жавоб бера олмаслиги кўрсатиб берди. Натижада тўловларнинг алтернатив усуллари ўзида мужассамлаштирган “электрон пуллар”нинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. У молиявий операцияларни бундан мунча соддалаштирди ва харидор учун ҳам, сотувчи учун ҳам тўловнинг хавфсизлигини оширган ҳолда тезлаштирди. Электрон пуллар тўловлар унча катта бўлмаганда жуда самарали эканлиги билан ажаралиб туради.

Электрон пуллар худди анъанавий пуллар каби бўлиб, банк ёки бошқа молия муассаларининг ҳисобларида электрон ёзув шаклида таклиф этилади. Фойдаланувчи олдиндан пул тўлаб электрон пулларни ўзига сотиб олиб қўяди ва кейинчалик электрон тўловларда фойдаланаверади.

Электрон тўлов – бу электрон пуллар ёрдамида амалга ошириладиган пўлов операциясидир. Электрон тўловда сотувчининг ҳисоби харидорга тегишли бўлган ҳақиқий пуллар билан тўлдирилади.

Электрон тўлов тизими – Интернет тармоғи орқали ташкилотлар, шахслар ва молия муассалари ўртасидаги товар ва хизматлар учун тўловларни амалга оширувчи ҳисоб-китоб тизимидир.

Тўлов тизимларининг таснифи

Интернет тармоғида амалга ошириладиган электрон тўлов тизимлари иккита асосий турга бўлинади:

1. “Рақамли нақд пуллар”;
2. “Электрон банк”¹⁷.

“Рақамли нақд пуллар” тўла маънода одатий пуллар билан бир хил эмас, лекин барча молиявий муамолаларда ишлатилади. Бу тизимда иштирок этувчи банклар буни кафолатлайдилар. Электрон тўлов ҳужжати пул ҳисоб-китоб ҳужжати билан юридик жиҳатдан тенгдир. Бу унинг амалиётда тўлақонли муамолага киришишига асос бўлиб хизмат қилади.

Бу тоифага кирувчи пуллар олдиндан тўланган чек ва купонлар каби бўлиб, фақатгина тўлов тизимлари доирасида амал қилади. Бу тизимларни кўрсатувчи муассалар одатда банклар бўлмайди. Бу нарса электрон пуллардан фоиз олиш, омонатга қўйиш масалаларини чеклайди. Баъзан бу тизимлар фаолиятини тугатишганда бу пулларни йўқотиш хавфини ҳам ҳисобга олишга тўғри келади.

Электрон тўлов тизимининг иккинчи тури мижозлар воситаларидаги ёзув ҳисобларига таяниб фаолият юритишади. Тўлов тизимининг бу тури кредит карточкалар ёрдамида тўловларни амалга ошириш имконини беради. Ҳисоб рақамлар воситасида ишловчи тизимлар мижозларнинг ҳақиқий ҳисоб рақамлари орқали тўловларни амалга оширувчи банк тизимлари ва ягона банк

¹⁷ Симинович С.В., Мураховский В.И., Евсеев Г.А. Новые возможности Интернета. Необходимый самоучитель. Спб.: Питер, 2008. с. 247.

ҳисоблари хизматлари орқали амалга оширилувчи нобанк тизимлари фарқланади. Ҳар икки ҳолатда ҳам мизож маълум бир суммани ўз ҳисобига олдиндан ўтказиб қўяди ва кейинчалик тўловларни амалга ошириш учун уни Интернет тизими орқали бошқаради. Аксарият электрон банклар товарлар ёки хизматлар учун тўловларни амалга оширишда тўлов шлюзи(дарвозаси) вазифасини бажаради.

Электрон тўлов тизимларининг афзалликлари

Одатий тўлов тизимлари билан электрон тўлов тизимларини таққослайдиган бўлсак, бир неча афзалликларни кўришимиз мумкин. Жумладан:

- ✓ Фойдаланишнинг чекланмаганлиги. Бу тизимдан Интернет тармоғига уланиши мумкин бўлган барча фойдаланувчилар ўзларининг молиявий ҳолати ва касбидан қатъий назар фойдаланишлари мумкин;
- ✓ Мобиллик. Молиявий операциялар тизим фойдаланувчисининг қаерда жойлашганлигидан қатъий назар Интернет тармоғига уланган компьютердан амалга оширилиши мумкин;
- ✓ Тезкорлик. Одатда тўловларни амалга ошириш бир мунча вақтни олади. Электрон ҳамёндан фойдаланувчи бўлса ўзининг анча вақтини тежайди. Бундан ташқари баъзи бир хизматлар фақатгина электрон тўловлар орқали амалга оширилади.
- ✓ Хавфсизлик. Электрон пулларнинг қалбакиси бўлмайди. Бундан ташқари электрон ҳамёндаги пулларни тизимга кириш параметрлари билмасдан туриб ўғирлаш технологик жиҳатдан мумкин эмас. Электрон тўлов тизимида барча маълумотлар

ишончли криптографик алгоритмлардан фойдаланиб, шифрланиб узатилади.

- ✓ Махфийлик. Электрон ҳамёнлар ҳар қандай ҳужжат изларини қолдирмасдан ташкил қилинади ва кўпчилик ҳолатларда электрон ҳамёнларни бир марталик қилиб ташкиллаштириш ва молиявий операциялардан кейин йўқ қилиш қулайдир.
- ✓ Фойдаланишдаги эркинлик. Воситалардан фойдаланишда ҳеч қанақа чекловлар мавжуд эмас. Тўловни қабул қилувчи тўловларни манзилли қилиб қабул қилади ва пул воситасининг кимдан келиб тушганлигини аниқ билади. Бундан ташқари буюртма товари мижозга етиб бормагунича сотувчи мижоз пулларини тасарруф қилмайди. Бу тизим алдовлардан огоҳ бўлиш учун жорий этилган¹⁸.

Бугун бутун дунё бўйлаб анчагина электрон тўлов тизимлари фаолият кўрсатишмоқда. Бу тизимларнинг айримлари маҳаллийлик, айримлари давлатлараро хусусиятга эгадир. Тизимдан фойдаланишда аввало қандай тўлов амалга оширилмоқчи эканлиги аниқланади. Иккинчи томондан бўлса бир тизимдан иккинчи бошқа бир тизимга пулларни ўтказиш имконияти мавжуд. Фақат бунда бироз кучайтирилган қўшимча операциялар амалга оширилади.

Чет элда илк электрон тўлов тизимлари 1995-1996 йиллардан пайдо бўла бошлаган. Россияда бўлса бу тизим 1998 йилдан фаолият юрита бошлаган. Бунда дастлаб “WebMoney” тўлов тизими ишга туширилган¹⁹.

¹⁸ Симинович С.В., Мураховский В.И., Евсеев Г.А. Новые возможности Интернета. Необходимый самоучитель. Спб.: Питер, 2008. с. 248.

¹⁹ Симинович С.В., Мураховский В.И., Евсеев Г.А. Новые возможности Интернета. Необходимый самоучитель. Спб.: Питер, 2008. с. 249.

Республикада барча тижорат банклари Ягона республика локал тармоғидан фойдаланган ҳолда электрон тўловларни амалга оширади. Бугун Интернет глобал тармоғининг кундалик турмушимизга шу даражада чуқур интеграциялашуви натижасида банк тизимига ҳам бу қулайлик жорий этилмоқда. Ҳозирда Республиканинг барча тижорат банклари “VISA International” ва “Master Card” каби халқаро тўлов тизимларининг тўлақонли аъзоси ҳисобланади ва бу банкларининг барчаси “SVIFT” халқаро тизимига уланган. Эндиликда UZCARD EMV онлайн-картаси эгалари Интернет-магазинлари товар ва хизматларига тўловларни амалга оширишлари ва пластик картларидаги пул воситаларини бошқаришлари мумкин. Бунинг учун фақатгина UZCARD тизимининг расмий сайтига кириб персонал кабинетдан рўйхатдан ўтиш керак ва кейинчалик он-лайн операцияларни амалга ошириш учун кириш сўзи (динамик пароль) тақдим этилади. Булардан ташқари персонал кабинетда тўловлар тарихини ва қўшимча хизмат турлари ҳақида маълумот олиш мумкин²⁰.

Республикадаги тижорат банклари ўзларининг интерактив хизмат турлари билан ўз мижозларига қулайликлар яратишмоқда. Халқ банки UZPAYNET компанияси билан ҳамкорликда “Uyalı pul” деб номланган хизмат турларини таклиф этмоқда. Бу тизим воситасида юқори сифатли масофавий банк хизматлари кўрсатилади. Ҳозиги кунда мижозлар бу тизимга уланиб, хаттоки ўз уйларида чикмасдан туриб, Интернет тармоғига уланган компьютерлар ёрдамида коммунал тўловларни, Интернет хизматлари учун, уяли, шаҳар ва шаҳарлараро телефон алоқалари учун тўловларни амалга оширишлари мумкин. “Uyalı pul” бу Интернет тармоғи, ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи киослар ва махсус дастур ўрнатилган мобиль телефонлар орқали

²⁰ Держатели EMV-карт получили возможность совершать онлайн-платежи. – <http://www.ictnews.uz>. (07.05.2013)


амалга ошириладиган қулай ва ишончли тўлов тизимидир. Мижозлар бу хизмат турига Халқ банкининг филиаллари орқали уланишлари мумкин²¹.

2000 йилда Европа Иттифоқининг Европарламент ва Европа Кенгаши 2000/46-сонли Директивасида Интернет тўлов тизимларининг ва электрон пулларнинг нобанк эмитентларининг қонуний фаолиятини тан олади²². Республикамизда банк муассаси ҳисобланмаган ташкилотлар тамонидан ҳам бугун Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган электрон тўлов тизимлари фаолият кўрсатмоқда. “TILLO-GARANT” МЧЖ (WebMoney Uzbekistan савдо маркаси остида фаолият юритучи) 2006 йилдан эътиборан амалдаги қонун ҳужжатлар диорасида чакана тўловлар тизимини амалга ошира бошлади²³. WebMoney Uzbekistan халқаро WebMoneyTransfer тўлов тизимининг аппарат-дастурий комплексидан фойдаланади ва ўзбек сўмининг эквиваленти WMY электрон ҳисоб бирлигида амал қилади. Бу тизим Интернет тармоғи орқали тўловларни амалга оширишда жуда қулай бўлиб, уни барча фойдаланувчилар тизимдан рўйхатдан ўтиб, ўзларига WM Keeper махсус дастурий таъминотини юклаб олиб фойдаланишлари мумкин. Юқоридаги махсус дастурий таъминотни юклаб олганда 12 рақамдан иборат WMID идентификацион номерга эга бўладилар. “WM Keeper”да RSA, RC5, MD4, MD5, SSL шифрлаш алгоритларидан фойдаланилиши электрон ҳамён ва унинг воситаларига ноқонуний тажоввузлардан ҳимоялайди. “WM Keeper” дан рўйхатдан ўтган ва уни юклаб олиб ўрнатган WebMoney Uzbekistan фойдаланувчиси ўзининг Y-“ўзбек” электрон ҳамёнидан тизимда операцияларни амалга ошириш учун фойдаланиши мумкин. Қуйида Y-электрон ҳамёнли “WM Keeper” дастурининг кўриниши.


²¹ Народный банк продолжает внедрение системы “Uyali pul”. – <http://www.ictnews.uz>. (29.05.2012)

²² Сидорова Ю.И., Курсанова А.Г. WebMoney Uzbekistan. Инфраструктура электронной коммерции. – <http://www.infocom.uz>. (04.12.2009)

²³ Сидорова Ю.И., Курсанова А.Г. WebMoney Uzbekistan. Инфраструктура электронной коммерции. – <http://www.infocom.uz> (04.12.2009)



Интернет воситасида бир Y-хамёндан дунёнинг хохлаган нуқтасида жойлашган иккинчи бир Y-электрон ҳамёнга пул ўтказмаларини амалга ошириш мумкин. Бунда тизимнинг хизмат ҳақи белгиланган таърифларга асосан амалга оширилади. Эндиликда тизим маъмурлари томонидан бу тўлов суммасини имкон қадар камайтириш учун ҳаракат қилинмоқда.



Бир Y-хамёндан иккинчи Y-хамёнга пул ўтказмаларини амалга ошириш.

Y-электрон ҳамёнларни тўлдириш Ўзбекистондаги Банклардан нақд пул тўлаш ёки экспресс-тўлов карталари ёрдамида тўлов орқали амалга оширилиши мумкин.

Қуйида экспресс-тўлов карталарининг хар хил турлари:

Ўзбекистон Республикасининг "Электрон тижорат тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги Қонуни ва бошқалар.

Ҳозирда электрон пулларнинг энг асосий муаммоларидан бири бу, мазкур пулларни чиқариш давлатнинг монопол сиёсатларидан ҳисобланмиш эмиссия функциясини бир маромда олиб борилишини бироз издан чиқаради²⁴. Чунки электрон пулларни амалиётга чиқарадиган ташкилотларнинг барчаси ҳам банклар бўлавермайди. Шу жиҳатдан олиб қараганда электрон пуллар хусусийлик характериға эға, лекин уларнинг муомаладаги айланиши мамлакат миқёсидаги пул муомласига таъсир қила олади. Бундан ташқари электрон пулларнинг глобаллик хусусиятиға эға эканлиги унинг айланишини маълум бир давлат миқёсида бошқариш имкониятини чеклайди. Электрон тўлов тизимларининг эгалари кўпинча ноаниқ юридик ҳолатға ўхшаш бўладилар. Бу тизим эгаларига қонунчилик назорати ва эркинлик банклар билан таққослаганда нисбатан эркин эканлиги анча қўл келади. Кўпчилик бу тоифадаги электрон пуллар тизимиға худди алоҳида бир қимматли қоғоз туридек қарашади.

Хавфсизлик масалаларининг ўзига хос жиҳатлари

Электрон тўлов тизимлари билан молиявий операцияларини амалға ошириш чоғида бир неча хавфсизлик муаммоларига дуч келамиз. Электрон пулларни йўқотиш худди одатий пулларни йўқотишдек унинг эгасига қаттиқ зарба бўлиши мумкин. Бу йўқотишларни олдини олиш учун тизимнинг одатий хавфсизлик чораларига амал қилишдан ташқари яна бир нечта принципларға амал қилиш керак. Қуйида улар ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Электрон тўлов тизимларини хавфсизлиги уларнинг ўз эгалари томонидан электрон ҳамёнлар ва бошқа воситалардан фақат ўзлари фойдалана

²⁴ Симинович С.В., Мураховский В.И., Евсеев Г.А. Новые возможности Интернета. Необходимый самоучитель. Спб.: Питер, 2008. с. 249.

олишларида ўз ифодасини топади. Тўғри бундай олиб қараганда бу гапимиз бироз жўн туюлиши мумкин. Чунки ҳеч ким ўз ихтиёри билан тизимдан фойдаланиш паролларини бегона кимсаларга ошкора қилмайди. Лекин охириги пайтларда амалиётда шунақа ходисалар кузатилмоқдаки, бунда махфий маълумотларни ўзлаштириб олиш ҳолатлари кузатилмоқда. Бу асосан алдовга асосланган бўлиб, ҳозирда фишинг(phishing) номини олган²⁵. Одатда бундай ҳолатларда тизим фойдаланувчиси тизим маъмуриятидан электрон почта орқали расмий хабар қабул қилади. Бу хабарга муофиқ фойдаланувчи тизимнинг веб сайтыга кириб кўриши керак бўлади. Бу сайтга энг тез олиб борадиган ҳавола бўлса ўша хабарнинг ўзига жойлаштирилган бўлади. Ва бу ҳаволага ўтиш орқали браузер одатдаги таниш саҳифага олиб боради. Тизимнинг миждози ўзининг шахсий пароли ва коди орқали рўйхатдан ўтиб тизимга киришга тараддудланади. Биринчи уринишда тизимга кира олмайди ва яна бир уриниш, иккинчи уринишда у тизимга киришга муаффақ бўлади. Бу нарса одатий техник носозликдек туюлиши мумкин, лекин шу лаҳзалар ичида миждоз ўз ҳисобидаги маблағдан айрилади. Бу каби фишинг операциялари жўяли таклифлар – яъни сайтларни алмаштириб кўйишга асосланган бўлади. Миждозга тизим маъмурияти тамонидан йўлланган ҳоволада кўрсатилган сайт манзила аслида бошқа сайтга олиб боради. Унинг фақатгина ташқи кўриниши одатий тизимнинг сайти билан бир хил бўлади. Бу манзил ҳудди ҳақиқийси билан бир хил бўлади, аммо бу сайтда бошқа операция амалга оширилади. Ва ниҳоят бу сайтга рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги маълумотларнинг киритилиши миждоз пулларининг талон-тарож қилинишига олиб келади.

Бу тизимнинг фирибларидан эҳтиёт бўлиш учун почта манзилига етиб келган ҳавола орқали тизимнинг расмий сайтыга кирмаслик керак. Буни амалга оширган тақдирдаям манзил аниқ тизимнинг маъмуриятига тегишлими, йўқми олдин шуни билиб, кейин операцияни амалга ошириш

²⁵ Симинович С.В., Мураховский В.И., Евсеев Г.А. Новые возможности Интернета. Необходимый самоучитель. Спб.: Питер, 2008. с. 278.

керак. Агар ҳавола бирон бир шубҳа туғилишига сабаб бўлса, бу ҳаволадан умуман фойдаланмаслик керак. Энг яхши ечими бу масаланинг – почтани унга келган хатларда кўрсатилган ҳаволалар орқали браузерга уланиб манзилга олиб боришиши тақиқлаб, созлаб қўйиш керак. Ва сайтларга кириш учун одатий браузерларнинг ўзларидан фойдаланиш керак.

Интернет тармоғида фаолият юритувчи кўпгина ташкилотлар фойдаланувчининг ўзи талаб қилиб олмагунича унга реклама хабарларини жўнатишмайди. Одатда бундай тоифадаги хабарлар операция амалга оширилганлигини маълум қилиш учун юборилади. Реклама хабарлари бўлса одатда тизимдаги ўзгаришлар ва янги имкониятлар ҳақида хабар етказиш учун юборилади. Фишингнинг олдини олиш зарурияти сабабли бугун қонуний хабарларнинг деярли ҳеч бирида ҳаволаларни учратмаймиз. Дарҳол тизимнинг сайтига муурожаат қилиш кераклиги баён қилинган хабарларга эҳтиёткорона муносабатда бўлишни бугун даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Инсоният тарихида бир неча маротаба “молиявий пирамида” деб ном олган тизим ўзининг ноқонуний фаолиятини жонлантиришга ҳаракат қилиб кўрган²⁶. Почта пирамидалари, банк пирамидалари ва яна кўплаб пирамида тўрларини учратганмиз. Турмушимизга электрон тўлов тизимларининг кириб келиши бу пирамидаларнинг янги яна битта турининг пайдо бўлишига туртки бўлди. Бу янги турнинг амал қилиш доираси худди ўтмишдошлари билан бир хилдир. Лойиҳа иштирокчисига маълум бир миқдордаги пулни бошқа бир айтилган электрон ҳамёнга ўтказиш таклиф этилиб, бунинг эвазига бир қанча муддатдан кейин ўз пулини хиссаси билан қайтариб олиши айтилади. Пирамиданинг фаолият доираси ўзгариши унинг амал қилиш қоидаларини ўзгартирмади ва аксинча унинг иштирокчилари сони тез суръатлар билан ошишига олиб келди. Пирамида “қулаганда” бўлса бу тизимнинг

²⁶ Симинович С.В., Мураховский В.И., Евсеев Г.А. Новые возможности Интернета. Необходимый самоучитель. Спб.: Питер, 2008. с. 279.

ташаббускорлари алдовлар қурбонларининг пуллари эвазига мўмайгина даромад қилишади.

Бундай вазиятларда алдовнинг қурбони бўлмаслик учун бундай лойиҳаларда, пирамидаларда иштирок этмасликни маслаҳат берамиз. Агар шунга ўхшаш таклифлардан шубҳа пайдо бўлса, тизим маъмуриятига тезда хабар бериш керак. Агар зарурат бўлса бу тизимни ёпиш билан яқун топиши мумкин.

2.2. Электрон тижорат

Бозор иқтисодиётининг такомиллашиб бориши турли тадбиркорлик шакллариининг вужудга келишига шароит яратиб бермоқда. Тадбиркорликнинг ривожланиши ахборот коммуникациялар бизнесини шакллантириш ва таракқий эттиришга ҳам катта таъсир кўрсатади. Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов таъкидлаганларидек "XXI аср ахборот технологиялари асри"дир. Замонавий корхонанинг фаолият юзаси ва мулк шаклидан қатъи назар, унинг персонали олдида ҳозирги кунда қуйидаги муаммолар туради:

- 1) маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, нима эвазига?
- 2) ноишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулотни реализациялашни оптималлаштириш.

Бу юқорида кўрсатилган муаммоларни ечишнинг аниқ йўлларида бири электрон тижоратни замонавий усуллари ва воситалари ишлатишдир. Эътибор берган бўлсангиз, "Электрон тижорат", "Электрон бизнес", "Электрон савдо" атамалари охириги вақтларда оммавий ахборот воситаларида тобора кўпроқ учратиш мумкин. Ҳозирги даврда "рақамли иқтисодиёт" усуллари ишлатишнинг потенциал истиқболи шубҳага ўрин қолдирмайди ва уларнинг асосини билиш иш жараёнини самарали ташкиллаштиришнинг элементлари бўлиб ҳисобланади. Давлат ёки хусусий ташкилот ёки фирмаларда, албатта компьютер техникаси, шу қаторда ички компьютер тармоғи, шунингдек одатий алоқа воситалари (оддий ва уяли телефон, факс) ишлатилади, Интернет имкониятларидан фойдаланилади. Кейинги пайтларда "Электрон дўкон", виртуал "савдо майдонлари", "Интернет консалтинг" кабилар ҳам кўп ишлатилмоқда.

Электрон тижорат соҳаси фаолиятида мамлакат ичида ва ташқарисида воситаларни сертификатлаштириш ва лицензиялаштириш бўйича ишлар қандай ташкил этилган? Электрон тадбиркорлик нима?

Кўпчилик учун бу янги тушунчадир. Бу технология Ўзбекистонга ҳам кириб келди. Электрон тадбиркорлик - бу Интернет орқали сотиш ва сотиб олишдир. Унинг имкониятлари турли-туман. Интернет ёрдамида ўзингизга зарур китоб, кийим, ёки компьютер ва ҳаттоки озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишингиз мумкин. Корхоналар маҳсулотни сотиши ёки зарур маҳсулотни сотиб олиши мумкин.

2011 йилда бутун дунё бўйлаб электрон чакана савдо бозорининг ҳажми 680.6 миллиард АҚШ долларини ташкил қилган. Бу соҳанинг кундан-кунга ривожланаётганлиги боис 2015 йилга келиб бу кўрсаткич 1.5 триллион АҚШ доллардан ошиши кутилмоқда²⁷.

Электрон тадбиркорлик бу Интернет тармоғи ёрдамида виртуал савдо растасида ёки майдонида савдо-сотикни амалга оширишдир. Унда сотувчи ва сотиб олувчи қатнашади. Бу савдо-сотикнинг қуйидаги кўринишлари мавжуд. Яъни B2B (Business to business) ва B2C (Business to Customers):

- B2B - корхоналар ўртасидаги савдо-сотик муомаласи.
- B2C - корхона ва шахс ўртасидаги савдо-сотик муомаласи.

Интернет орқали электрон тадбиркорлик қандай амалга оширилади? Буни мисол ёрдамида тавсифлаймиз. Масалан, китоб харид қилмоқчисиз. Махсус қидирув тизимлар ёрдамида электрон китоб магазин адресини топасиз. Магазин бир зумда олдингизда пайдо бўлади. Электрон магазин бу маҳсулотни сотаётган магазин Интернет саҳифасидир. Унга кириб, жавонлардан китоб қидираётганингизни сезмай қоласиз. Саҳифада китоблар рўйхати берилади. Хоҳлаган китобингизни танлашингиз мумкин. Одатда китоблар магазиндаги сингари мавзусига қараб танланиши мумкин. Лекин китоблар сон-саноксиз бўлганлиги сабабли, магазин қидириш тизимидан

²⁷ Фозилжонов Х. Электрон тижорат – иктисодиётнинг замонавий тармоғи. //Ma'rifat, 2013 йил 15 май, № 39 (8584)

фойдаланишингиз мумкин. Ҳар бир китоб тавсифи билан танишиб чиқишингиз мумкин. Китобни тавсифи ва нархи сизни қаноатлантирса, сиз уни харид қилишингиз мумкин. Бунинг учун кредит карточкангиз бўлиши шарт. Кредит карточкаси банкда ҳисоб очилганда берилади. Бизда ҳам кредит карточкаси ёрдамидаги муомала ҳам амалда. Махсус шаклни тўлдириб, кредит карточкангиз рақамини кўрсатишингиз зарур. Шундан сўнг магазин сизнинг кредит карточкангизни текшириб, муомалани амалга оширади. Бир неча соат ёки кундан сўнг маҳсулот уйингизга келтирилади. Албатта бунда китобнинг сизга етиб келиш муддати манзилингизга боғлиқ. Бу усулнинг қандай афзалликлари бор:

- Маҳсулот ассортиментининг тўлалиги.
- Маҳсулот билан батафсил танишиш имконияти.
- Манзил ва вақтнинг аҳамиятга эга эмаслиги. (Яъни Сизга қулай бўлган вақтда дунёнинг ихтиёрий нуқтасидаги дўкондан харид қилишингиз мумкин).
- Китобни уйга етказиш заруратининг йўқлиги. (Китобни дўкон Сиз кўрсатган манзилга етказди.)

Электрон тадбиркорлик келиб чиқишига 80 йилда Интернет давлат бюджетининг каттагина қисмидан маҳрум бўлганлиги ва ўзини-ўзи таъминлаши зарурлиги сабабчи бўлди. Шунинг учун Интернетдан ва унинг ресурсларидан тижорат мақсадида фойдаланишга ўтилди. Бунда даромадлар Интернет хизмати ва реклама ҳамда Интернет билан таъминлаш ҳисобига (Интернет провайдерлик) олина бошланди.

Шундай қилиб, масофаларни йўқотиб дунёни бир кибероламга айлантирган Интернет тадбиркорликни ривожлантиришда, кенгайтиришда жуда қўл келмоқда. Бугунги кунда Республикамизда бир нечта Интернет дўконлари ва электрон расталар фаолият кўрсатмоқда. Жумладан,

1. <http://www.shop24.uz> – Эркаклар, аёллар ва болалар кийимларини, совғалар ва сувиниерларни, телефонлар ва смартфонларни, компьютерлар ва планшетларни, сумкалар ва пардоз-андроз маҳсулотларини харид қилишингиз мумкин;
2. <http://www.onlineshop.uz> – Компьютерларни, телефонларни, маиший техника воситаларини, мебелларни, барча турдаги кийим маҳсулотларини, ўйинчоқлар ва совғаларни харид қилишингиз мумкин. Шунингдек Тошкент шаҳри бўйлаб етказиб бериш хизмати ҳам йўлга қўйилган;
3. <http://www.kanstovar.uz> – барча турдаги офис ва канцелярия маҳсулотлари бу растада жойлаштирилган. Уларни харид қилиш бўйича тушунтиришлар ҳам жойлаштирилган.

Бугунги кунда чет эллик ва мамлакатимиз экспертлари ахборот технологияси конвергенциясига ҳозирги даврда энг долзарб ҳисобланган турли маҳсулот сотиш каналлари, дистрибуция тизимлари ва турли товарлар ҳамда хизматлар категорияси синоними деб қарашмоқда. Шу туфайли яқин келажакда электрон тижоратдан кенг кўламда маҳсулот сотиш билан бирга ахборот технологиялари бўйича ҳам миқозлар эҳтиёжини тўла қондирилишини ташкиллаштириш кўзда тутилмоқда.

Интернет тижорат соҳаси фаолиятининг такомиллаштирилиши масофавий банк хизматлари бозорининг ривожига бевосита боғлиқдир. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, охириги икки йил ичида масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони 4.5 баробар ўсганига гувоҳ бўлишимиз мумкин (2011 йил 1 январь ҳолатида масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони 24 545 нафарни ташкил қилган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 108 496 нафарни ташкил қилган)²⁸.

²⁸ Система дистанционного банковского обслуживания. – Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг расмий сайти. – <http://www.cbu.uz>. (05.02.2013)

Соҳа ривожланишига эришиш билан бир қаторда унинг жадал равишда одимлашига тўсқинлик қилаётган омиллар ҳам йўқ эмас. Бу омилларнинг ўз вақтида бартараф этилмаслиги жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бундай омилларни таҳлил этар эканмиз, бугунги кунгача соҳанинг оқсашига сабаб бўлаётган тўсиқларнинг аксар қисми ўз ечимини топаётганлигини гувоҳи бўламиз. Жумладан:

- Интернет глобал тармоғига бевосита улайдиган провайдерлар ва операторларнинг сон жиҳатдан камлиги;
- Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Интернет хизматларининг сифат кўрсаткичлари бир хил эмаслиги: бугун халқаро алоқа тармоғи Интернетга уланиш тезлиги 7780 Мбит/с ни ташкил қилади. Республиканинг барча ҳудудларида хизмат кўрсатиш сифатини шунга олиб чиқишда оптик толали кабелларни ўтказиш асосий вазифа ҳисобланади²⁹. Жорий йилда бу борада хизматлар сифатини ошириш учун 2 минг километрлик оптик толали кабелларни ётқизиш режалаштирилган³⁰;
- Электрон тижорат бозорининг субъектлари, хусусан, мижозлари сонини янада ошириш: бу Интернет фойдаланувчилар сони билан изоҳланади.
- Жисмоний шахслар учун **on-line banking** хизмат турларини янада такомиллаштириш: ҳозирда Республикаимизнинг барча тижорат банклари “VISA International” ва ”Master Card” каби халқаро тўлов тизимларининг тўлақонли аъзоси ҳисобланади ва бу банкларининг барчаси “SVIFT” халқаро тизимига уланган;
- Интернет дўконлар фаолиятида оқсашлар, ихтисослашув масаласига эътиборни қаратишни тақозо этади.

²⁹ Показатели развития отрасли. – ЎзААТТДҚси расмий сайти. – <http://www.ccitt.uz>. (31.01.2013)

³⁰ Определены задачи дальнейшего развития сферы ИКТ. – ЎзААТТДҚси расмий сайти. – <http://www.ccitt.uz>. (22.01.2013)

Интернет телефония. Мавжуд электрон тижорат юритишнинг муваффақиятли ечимларидан бирига мисол қилиб, бир қараганда, бутунлай бошқа -бошқа технологиялар - компьютер ва телефон алоқаларимизни келтиришимиз мумкин - бу компьютерлашган телефония – СТИ (Computer Telephony Integration)дир. Бунда фақатгина Электрон тижорат тизими эмас, балки ҳар икки технология базалари ҳам фойда кўрадилар. Электрон тижорат бутун тижорат жараёнининг (кўтарилиши автоматлаштиришни юксалтириш имкониятига эга бўлади, чунки компьютерли телефония унга барча асосий қулайликлардан: стандартлар, эгилувчанлик, телефон тармоқлари ва миждозлар билан бевосита ишлаш учун қулай ва кўникилган интерфейслардан фойдаланиш имкониятини яратади).Компьютер телефонияни факсимил ва товуш орқали берилган маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш воситаси деб ҳам қараш мумкин. Унинг асосий қисмини нархи арзон бўлгани туфайли ҳам кўпроқ шахсий компьютерлар кичик ва ўрта бизнес яратувчи корхоналар ташкил этади ва электрон тижоратнинг кичик молиявий даромадлар тармоғида учрайди.АҚШ да компьютер телефония энг кўп тарқалган телекоммуникация технологияларидан бири ҳисобланади.Компьютер технологиясининг доимий ривожланиб бориши унинг электрон тижоратда ҳар бир соҳада ишлатилишига олиб келмоқда ва унинг келажаги порлоқлиги намоён бўлмоқда. Ҳар қандай корхона, ўз миждозларига кенг кўламда маҳсулотлар ассортименти таклиф қилар экан, табиийки, у турли хил саволлар ва баъзи маълумотларга дуч келади. Компьютер телефониядан фойдаланадиган электрон тижорат тармоқларда бир неча филиалларга эга бўлган корхоналар бу тармоқ орқали ўз вазифаларини жамлаб, уларни бир схемага жойлаштириб, шу маҳсулотлар ҳақидаги маълумотларни бир база орқали бошқара олиш имкониятига эга бўладилар.Компьютер телефония авиа ва темир йўл билетларини банд қилиш ва сотишда ҳам жуда қўл келади ва кенг кўламда фойдаланилади.Автоматлаштирилган банк тизимига эга бўлган корхоналар электрон тижорати компьютер телефония тармоғи уларга қуйидаги қулайликлар яратади:

- мижозларга аввалдан тайёрлаб қўйилган овозли маълумотни етказиш ёки маълумотлар базасидан тезкорлик билан маълумотлар тайёрлаб бериш;
- оператор орқали ёки автоматик режим бўйича телефон орқали тўлиқ ёки чегараланган ҳолда мижоз ҳисоб рақамини бошқариш;
- мижозларга маълумот, реклама ахбороти ва ҳисоб рақамлари бўйича маълумотлар беришни автоматлаштириш;
- пул ўтказиш операциялари таннархини пасайтириш;
- маълумот ва реклама ахборотлари параметрларини тезкорлик билан ўзгартириш.

Компьютер телефонияни Интернетга киритилиши корхона хизматчиларини турли хил саволлардан иборат синовлардан осонлик билан ўтказиш имконини беради. Бу эса вақтинчалик ишга ёлланувчи ишчиларга инструктаж бериш учун вақт кетказмаслик имконини беради. Сўровлар статистикаси эса аввалдан тайёрланган мезонлар бўйича автоматик тарзда йиғиб олинади. Компьютер телефония технологияси Шимолий Америка ва Ғарбий Европада шиддат билан ривожланиб бормоқда.

Уяли алоқа. Электрон тижорат тармоқларига уяли алоқанинг кириб келиши (ёки ҳаракатли алоқа) унда ишбилармонлик ёки тижоратнинг икки томонлама ҳаракатли ва самарали юритилишини таъминлайди. Бу алоқанинг электрон тижоратда техник жиҳатдан амалга оширилиши Интернет алоқаларида протоколлар ва ҳаракатли алоқани бирлаштириш орқали амалга оширилади. Ҳатто ҳозирги кунда уяли телефонлар, шунчаки, 2 киши ўртасида симсиз алоқа вазифасинигина ўтамайди. Аппарат эслаш қобилияти, турли операцияларни бажарувчи мўъжазгина экрани билан компьютерларнинг энг биринчи кашф қилинган турларига яқинлашиб қолган. Булардан ташқари, уяли алоқанинг қисқа маълумотлар, тасвирлар узатувчи турлари ҳам

мавжуд.Россиялик мутахассислар фикрича, ҳаракатли алоқа орқали бериладиган маълумотларнинг ортиб бориши SMS, WAP, GRPS технологияларининг кенг тарқалишига олиб келади. Бугунги кунда маълумотларни уяли алоқа орқали узатишда энг қулай технология WAP дир. Электрон тижоратнинг уяли алоқа сектори шиддат билан ривожланиб бормоқда. АҚШ, Япония ва Ғарбий Европада Интернетнинг уяли хизматидан фойдаланувчилари сони бошқаларидан сон жиҳатидан анча устун. Барча уяли алоқадан фойдаланувчи мижозлар электрон почталардан фойдаланишни режалаштирмоқдалар. Электрон тижорат тезкорлик билан ривожланмоқда ва унга уяли тижоратнинг кириб келиши ундан фойдаланувчилар сонини ва имкониятини тобора ошириб бормоқда.

Интерактив телевидение. Ҳозирги даврда электрон тижоратда интерактив рақамли телевидениядан фойдаланиш (1-коммерция деб номланади) Шимолий мутахассисларнинг фикрича 1 -тижорат (коммерция) В2С модельли якка тартибдаги истеъмолчилар ўртасида электрон тижоратнинг бошқа сегментларига нисбатан анча кўпроқ урф бўлади. Табиийки, истеъмолчининг телевидениега эга бўлганлиги унинг "онлайн" режимида ишловчи хизматдан фойдаланиш учун етарли эмас. Чунки, ҳозирги кунда ҳамма провайдерлар ҳам 1 - тижорат бозорига кириш имконини бера олмайди. Бироқ электрон тижорат бозорида бир вақтнинг ўзида 3 та йирик сегментнинг (компьютер ёрдамидаги электрон тижорат, уяли алоқа воситаси ва рақамли телевидение) шаклланиши ва равнақи истеъмолчи ва потенциал мижоз фойдасига ишлайди. Бунинг натижасида улар маҳсулот сотиб олиш ёки турли хизматлардан фойдаланиш учун турли каналлардан истаганини танлаш учун кенг имкониятга эга бўладилар. Бундан келиб чиқадики, юқоридаги сегментлардан бирининг ривожлана бориши электрон тижоратнинг бошқа сегментларини ҳам тезкорлик билан ривожлантириш учун оператор ва провайдерларни бош қотиришга мажбур қилади. Бироқ банк ва молия хизматлари интерактив телевидение эгаларини қизиқтирувчи бирдан

бир хизмат воситаси эмас. Америкалик аналитиклар 1 - тижорат келажаги маиший товарлар сотиб олиш, маиший хизматлар билан боғлиқ ва шунингдек, қизиқарли бозор билан боғлиқ эканини таъкидлашмоқда. Америкалик хизмат кўрсатиш провайдерлари фикрича, интерактив телевидениенинг яна бир афзаллиги шундан иборатки, у истеъмолчига катта миқдорда визуал реклама ахборотини етказиб беради.

Етарлича узоқ муддатларда уяли телефония ёки интерактив телевидение каби порлоқ келажакли янгиликлар Интернет- технологиялар соясида кўринмай турган эди. Ҳозирги электрон тижоратнинг умумий тармоғидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб бормоқда. Бу деган гап улар янги тармоқлар электрон тижоратни бутунлай эгаллаб олади ёки глобал тармоқдан уни сиқиб чиқаради, дегани эмас.

Электрон тижоратни нимадан бошламоқ зарур?

Электрон тижоратни олиб борувчилар нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда корхоналар томонидан асосий ҳамда ёрдамчи ишлаб чиқариш ва иш жарёнларини ажратиб олиш мақсадга мувофиқдир.

Асосий жараёнларга қуйидагиларни киритсак бўлади:

- Янги маҳсулотни яратишга қаратилган илмий изланишлар ва тажрибавий конструкторлик ишларини ўтказиш;
- Ишлаб чиқариш, яъни товарларни тайёрлаш (етказиб бериш) ва хизматлар кўрсатиш;
- Сотиб олиш;
- Сервис ва кузатмоқлик - товарни сотиб олгандан сўнг ва шартнома шартлари бажарилгандан сўнг сотиб олувчига кўрсатилган хизматлар йиғиндиси.

Ёрдамчи ишлаб чиқариш ва иш жараёнларига молиявий ҳисобот, персонални бошқариш, ахборот таъминоти ва маъмурий хўжалик фаолияти киради. Электрон тижоратнинг асосий масалалари сотиб олувчилардан максимум буюртма қабул қилиши, маҳсулот реализацияси, битимларни тузиш ҳисобланади. Электрон тижоратни Интернетга ўтказишнинг асосий сабаблари эса рекламада, персоналда, савдо майдонларида иқтисод қилиш, миқдорни ўзи расмийлаштириши ҳисобига шартнома тузишга кетадиган вақтнинг қисқариши, буюртма тўловини зудлик билан расмийлаштириш имконияти, буюртманинг хизматлар тизимига тушишининг автоматлаштирилиши ва ишлаб чиқаришнинг режалаштирилишидир. Интернетда шартномалар тузишнинг ҳал қилувчи сабаби бўлиб сотувчи ёки хизматларни етказиб берувчи билан миқдорнинг тўғридан - тўғри келишуви ва диалог саналади. Бундай механизмнинг бўлмаслиги электрон тижоратни Интернетга тўла қонли киритиш имконияти тўғрисида гапиришга шароит яратмайди. Шундай қилиб, электрон тижорат ёрдамчи ишлаб чиқариш ва жараёнларнинг салмоқли қисми бўлиб, сотувларнинг оператив ҳисоби ва уларнинг автоматлаштирувини таъминлайди. Интернет корхонага реклама, маҳсулот ва хизматларни сотиш билан боғлиқ харажатларни камайтириш, сотиш бозорини кенгайтириш ва бу билан сотув ҳажмини кўпайтиришга имкон беради. Электрон тижоратни олиб бориш учун Интернетдан фойдаланишнинг энг қулай моделлар ва усулларни танлашда қуйидаги саволларга жавоб топиш керак:

- асосий миқдорлар кимлар? Уларнинг фаолият турлари ва географик жойлашуви?
- миқдорларнинг компьютерлаштирилганлик даражаси ва уларнинг янги ахборот технологияларига муносабатлари?
- сотиш учун корхона томонидан таклиф этилаётган маҳсулот ва хизматлар кўринишларини матн ва рангли графика ёрдамида қай даражада яхши намоёниш этиш мумкин?

- глобал тармоқда электрон тижорат олиб бораётган рақобатчиларга Интернетни ишлатиш қанчалик самарали?
- корхона ундаги бор воситалар нуқтаи назаридан электрон тижоратни Интернетда ташкил қилиш имконияти мавжудми?

Тажрибадан маълумки, қуйидагиларни электрон тижорат самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари сифатида ажратиш мумкин:

1. оригиналлик - оригинал (ёки ривожланган мамлакатларнинг электрон бозорларида ўзини яхши рекомандациялаган) фикр ва бозорнинг алоҳида сегментидаги салмоқли тавсиялар олган;
2. қатъийлик - электрон тижорат соҳасида ўзининг сиёсатини кейинчалик амалга оширишидаги менежментнинг қатъийлиги;
3. мақсадга йўналтирилганлик - таклиф қилинаётган товарлар, хизматларни сотиш учун аниқ мақсадли Интернет - аудитория ажратиш ва мижозларнинг гуруҳларини қизиқишлар, умумийлик ва бошқа жиҳатлар бўйича шакллантириш;
4. қатъийлик - лойиҳа молияланиши жараёнини ҳамда янги технологиялар олиб кириш жараёнини қўшган ҳолда, электрон тижоратни қатъийлик билан.

Соҳада бугунги кунда юзага келаётган тўсиқ ва муаммоларнинг ҳал этилиши электрон тижорат тизимининг келгуси истикболларини белгилаб беради. Соҳа ривожини жамиятимиз учун бир қанча ижобий яқунларга олиб келади. Хусусан:

- Тизимнинг ривожланиши мамлакатимиз меҳнат бозори учун ижобий натижаларга олиб келади, янги иш ўринларининг яратилишига туртки бўлади;

- Иқтисодиётнинг барқарорлашишига, товар ва хизматлар рақобатбардошлигининг ошишига олиб келади;
- Маркетинг ва менежмент каби соҳаларнинг ривожланиши ҳисобига аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишига эришилади.

Мамлакатимизда электрон тижорат соҳасидаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишнинг тўғри йўли танланганлиги халқ фаровонлигида, жамиятимизнинг тараққий топишида, иқтисодиётимизнинг ривожланишида ўз аксини топади. Сўзимиз якунида электрон тижорат соҳасида галдаги ютуқларни қўлга киритиш учун қуйидаги тадбирларнинг амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз :

1. Электрон тижорат соҳасининг имкониятларидан самарали фойдаланиш учун соҳада олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари ҳажмини ошириш, малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш;
2. Телекоммуникация хизматларини кўрсатиш соҳасида рақобатни ривожлантириш;
3. Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришни бутун республика бўйлаб бир хилда тарқалишини таъминлаш;
4. On-line banking тизимини янада ривожлантириш ва жорий этишни давом эттириш.

3-боб. Таълимда интернет имкониятларининг қўлланилиши

3.1. Масофавий ўқитишнинг мамлакатимиз таълим тизимидаги ўрни

Кўпчилик Интернетдан фақатгина янгиликлар билан танишиш, керакли ахборотларни қидириш, электрон почтадан фойдаланиш ёки бекорга вақт ўтказиш учун, “гап сотиш” учун фойдаланиши сир эмас. Интернетнинг бўлса имкониятлари кундан-кунга ошиб бормоқда. Интернетдан фойдаланишнинг янги босқичи бошланди, яъни Интернет турли соҳаларга кенг кўламда татбиқ қилина бошланди. Интернет технологиялар: масофадан ўқитиш, электрон кутубхоналар, телемедицина, телеметрология, электрон тижорат ва тадбиркорлик, электрон магазинлар ва бошқалар.

Бугунги кунда тараққиёт тез ривожланмоқда ва жуда тез ўзгармоқда. Деярли ҳар дақиқада сайёрамизнинг турли бурчакларида ўзгаришлар, янгиланишлар ва кутилмаган воқеа-ҳодисалар содир бўлмоқда. Ҳар бир кунимиз кучли ахборот оқими остида кечмоқда. Ахборот оқими бизни уйда, ишхона ва таътилда таъқиб этади. Инсон ахборот таъсиридан холи нормал фаолият юрита олмайди. Ҳаётни англаш, уни ўрганиш ахборотларни йиғиш ва ўзлаштириш орқали кечади. Инсоннинг билимлилик даражаси ҳам маълум давр ичида шахс томонидан ўзлаштирилган ахборотларнинг кўп ёки озлиги билан белгиланади.

Шунинг учун замонавий билимлар сари кенг йўл очиш, таълимотни такомиллаштиришда янги ахборот технологиялардан унумли фойдаланиш - бугунги куннинг талабига айланди. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳам зиммамизга шу маъсулиятни юклайди.

Ҳозирги замон таълим жараёнига ананавий тушунчалар қаторида янги-янги тушунчалар кириб келмоқда. Жумладан:

Ўқитиш – бу маълум бир мақсадга йўналтирилган тизимли билим ва кўникмалар билан қуролланган жараён;

Таълим – бу ўқитишнинг натижаси бўлиб, шахсиятни тарбиялаш ва ривожлантиришдир;

Масофавий ўқитиш – энг яхши анъанавий ва инновацион методлар, ўқитиш воситалари ва формаларини ўз ичига олган сиртки ва кундузги таълим сингари ахборот ва телекоммуникация технологияларига асосланган таълим формаси;

Масофавий ўқиш – бу янги ахборот технологиялари, телекоммуникация технологиялари ва техник воситаларига асосланган таълим тизимидир. У таълим олувчига маълум стандартлар ва таълим қонун-қоидалари асосида ўқув шарт-шароитлари ва ўқитувчи билан мулоқотни таъминлаб бериб, ўқувчидан кўпроқ мустақил равишда шуғулланишни талаб қилувчи тизимдир. Бунда ўқиш жараёни таълим олувчини қайси вақтда ва қайси жойда бўлишига боғлиқ эмас;

Масофавий таълим – масофадан туриб ўқув ахборотларини алмашувчи воситаларга асосланган, ўқитувчи махсус ахборот муҳит ёрдамида, аҳолининг барча қатламлари ва чет эллик таълим олувчиларга таълим хизматларини кўрсатувчи таълим комплекси.

Демак, масофавий ўқитиш масофавий таълим комплексидаги жараён экан. Масофавий ўқитишнинг ва масофавий таълимнинг ўзига хос хусусиятлари, педагогик тизими, зарурлиги ва мақсади мавжуд.

Масофавий таълим анъанавий таълим туридан қуйидаги характерли хусусиятлари билан фарқланади:

Мослашувчанлик – Таълим олувчига ўзига қулай вақт, жой ва тезликда таълим олиш имконияти мавжудлиги;

Модуллилик – Бир бирига боғлиқ бўлмаган мустақил ўқув курслари тўпламидан - модуллардан индивидуал ёки гуруҳ талабига мос ўқув режасини тузиш имконияти мавжудлиги;

Параллеллик – Ўқув фаолиятини иш фаолияти билан бирга параллел равишда, яъни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олиб бориш имконияти мавжудлиги;

Кенг қамровлилик – Кўп сонли ўқувчиларнинг бир вақтнинг ўзида катта ўқув (электрон кутубхона, маълумотлар ва билимлар базаси ва бошқалар) захираларига мурожаат қила олиши. Бу кўп сонли ўқувчиларнинг коммуникация воситалари ёрдамида ўзаро ва ўқитувчи билан мулоқотда бўлиш имконияти;

Иқтисодий тежамкорлик – Ўқув майдонлари, техника воситалари, транспорт воситалари ва ўқув материалларидан самарали фойдаланиш, ўқув материалларини бир жойга йиғиш, уларни тартибланган кўринишга келтириш ва бу маълумотларга кўп сонли мурожаатни ташкил қилиб бера олиш мутахассисларни тайёрлаш учун кетадиган харажатларни камайтиради;

Ижтимоий тенг ҳуқуқлилик – Таълим олувчининг яшаш жойи, соғлиғи ва моддий таъминланиш даражасидан қатъий назар ҳамма қатори тенг ҳуқуқли таълим олиш имконияти;

Интернационаллик – Таълим соҳасида эришилган жаҳон стандартларига жавоб берадиган ютуқларни импорт ва экспорт қилиш имконияти;

Ўқитувчининг янги роли – Масофавий ўқитиш ўқитувчининг ўқитиш жараёнидаги ролини янада кенгайтиради ва янгилайди. Энди ўқитувчи ўзлаштириш жараёнини мувофиқлаштириши, янгиликлар ва инновацияларга мос равишда бераётган фанини мунтазам мукамаллаштириши, савия ва ижодий фаолиятини янада чуқурлаштириши талаб этилади;

Сифат – Масофавий ўқитиш усули таълим бериш сифати бўйича кундузги таълим туридан қолишмайди. Балки, маҳаллий ва чет эллик дарс берувчи кадрларни жалб қилиб, энг яхши ўқув-методик дарсликлар ва назорат

қилувчи тестлардан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш сифатини ошириши мумкин.

Юқоридагилар кўриниб турибдики масофавий таълим комплекси анча қулайликларга эга экан. Лекин, нима учун масофавий таълим керак бўлиб қолди? – деган савол туғилиши табиий. Чунки ўзимизнинг анъанавий ўқитиш методларимизчи? Бу саволга жавоб тариқасида қуйидагиларни санаб ўтишимиз мумкин:

- Таълим олишда янги имкониятлар (таълим олишнинг арзонлиги, вақт ва жойга боғлиқмаслиги ва бошқалар) пайдо бўлиши;
- Таълим масканларига талаба қабул қилиш сонининг чекланганлиги;
- Таълим олишни хоҳловчилар сонининг ошиши;
- Сифатли ахборот технологияларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши;
- Халқаро интеграциянинг кучайиши.

Юқорида санаб ўтилган шароит ва имкониятлар масофавий ўқитишга эҳтиёж борлигини кўрсатади. Эндиликда даврнинг талабларидан келиб чиқиб масофавий таълим қуйидаги мақсадларни ўзида мужассамлаштиради:

- ✓ Мамлакат миқёсидаги барча ҳудудлар ва чет элдаги барча ўқувчилар, талабалар, таълим олишни хоҳловчиларга бирдек таълим олиш имкониятини яратиб бериш;
- ✓ Етакчи университетлар, академиялар, институтлар, тайёрлов марказлари, кадрларни қайта тайёрлаш муассасалари, малака ошириш институтлари ва бошқа таълим муассасаларининг илмий ва таълим бериш потенциалларидан фойдаланиш эвазига таълим беришнинг сифат даражасини ошириш;
- ✓ Асосий таълим ва асосий иш фаолияти билан параллел равишда қўшимча таълим олиш имкониятини яратиб бериш;

- ✓ Таълим олувчиларни таълим олишга бўлган эҳтиёжини қондириш ва таълим муҳитини кенгайтириш;
- ✓ Узлуксиз таълим имкониятларини яратиш;
- ✓ Таълим сифатини сақлаган ҳолда янги принципал таълим даражасини таъминлаш ва бошқалар.

Юқоридагилардан маълум бўлишича, масофавий таълим комплексини таълим муассасаларига жорий этилиши ҳар томонлама фойда келтириши ўз аксини топмоқда. Олий таълим тизимида бу комплексни жорий қилиш учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Республика миқёсидаги барча Олий таълим муассасалари (ОТМ) замонавий компьютер, ахборот ва коммуникация технологиялари билан яхши таъминланган. Уларнинг барчаси Интернет тармоғига уланган. Ушбу технологияларни таълим тизимида кенг жорий этилиши ОТМларининг ўз олдларига қўйга пировард мақсадларида эришишига ёрдам беради.

Ваҳоланки таълим тизимида сезиларли ўзгаришлар рўй бермоқда. Таълим тизимида масофадан ўқитиш услуби шакллари қўлланилмоқда. Масофадан ўқитиш услуби - бу сиртқи ўқишнинг янги шаклидир. Масофадан ўқитиш бу мустақил ўқишдир. Мустақил ўқиш инсоннинг мустақил фикрлаш, ҳолатни баҳолаш, хулоса ва башорат қилиш қобилиятларини ривожлантиради.

Масофадан ўқитишнинг яна бир афзаллиги шундаки, унда ўқувчи ўзига қулай вақтда ва ҳаттоки ишдан ажралмаган ҳолда ҳам ўқиши мумкин. Айнан шу афзалликлари туфайли бу услуб дунёда ҳозирги кунда кенг тарқалган. Кўпгина йирик корхоналар мутахассислари малакасини ошириш ёки ўзгартириш учун шу услубдан фойдаланиб, йилига миллионлаб АҚШ долларларни тежамоқдалар.

Масофадан ўқитишнинг яна бир афзаллик томони унда ўқиш муддатини ўқувчи ўзи белгилайди, яъни талаба ихтиёрий пайтда ўқишни бошлайди,

материалларни ўқитувчи назоратида ўзлаштиради. Ўзлаштириш топшириқларни, тестларни бажаришига қараб аниқланади. Ўқувчи берилган дастурни қанчалик тез ўзлаштирса, шунчалик тез ўқишни тугатади ва гувоҳнома олади. Дастурни ўзлаштира олмаса, унга мустақил ишлаб, ўқишни давом эттиришга имконият берилади.

Инсоният йигирманчи аср ниҳоясида бир туркум муаммоларга дуч келдики, улар бевосита ахборот телекоммуникация соҳасидаги жиддий ўзгаришлар, хусусан ахборот технологияларининг жадал суръатлар билан ривожланишига боғлиқ. Таълим, ишлаб чиқариш ва кишилик жамиятининг турли жабҳаларига янги ахборот коммуникация воситалари кириб кела бошлади. Интернет глобал компьютер тармоғини ривожланиши бутун дунё таълим тизимини такомиллаштиришнинг янги йўналишларини очилишига сабаб бўлди. Бу энг аввало, ўқув муассасаларининг техник таъминотини кескин ўзгариши, дунёвий ахборот ресурсларга кенг йўл очилиши ўқитишнинг янги шакл ва усулларида фойдаланиш заруратини келтириб чиқарди.

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситаларини таълим жараёнига кириб келиши анъанавий ўқитиш усулларига қўшимча равишда янги ўқитиш шакли - масофавий ўқитиш яратилишига омил бўлди.

Масофавий таълимда талаба ва ўқитувчи фазовий бир-биридан ажралган ҳолда ўзаро махсус яратилган ўқув курслари, назорат шакллари, электрон алоқа ва Интернетнинг бошқа технологиялари ёрдамида доимий мулоқотда бўладилар. Интернет технологиясини қўллашга асосланган масофавий ўқитиш жаҳон ахборот таълим тармоғига кириш имконини беради, интеграция ва ўзаро алоқа тамойилига эга бўлган муҳим бир туркум янги функцияларни бажаради.

Масофавий ўқитиш барча таълим олиш истаги бўлганларга ўз малакасини узлуксиз ошириш имконини яратади. Бундай ўқитиш жараёнида

талаба интерактив режимда мустақил ўқув-услубий материалларни ўзлаштиради, назоратдан ўтади, ўқитувчининг бевосита раҳбарлигида назорат ишларини бажаради ва гуруҳдаги бошқа «вертикал ўқув гуруҳи» талабалари билан мулоқотда бўлади.

Маълум сабабларга кўра, таълим муассасаларининг кундузги бўлимларида таҳсил олиш имконияти бўлмаган, масалан, соғлиги тақоза этмайдиган, мутахассислигини ўзгартириш нияти бўлган ёки ёши катта, малакасини ошириш нияти бўлган кишилар учун масофавий ўқитиш қулай ўқитиш шакли ҳисобланади. Масофавий ўқитишда турли хил ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилади, яъни ҳар бир технология мақсад ва масала моҳиятига боғлиқ. Масалан, анъанавий босма усулига асосланган ўқитиш воситалари (ўқув қўлланма, дарсликлар) талабаларни янги материал билан таништиришга асосланса, интерактив аудио ва видео конференциялар маълум вақт орасида ўзаро мулоқотда бўлишга, электрон почта тўғри ва тесқари алоқа ўрнатишга, яъни хабарларни жўнатиш ва қабул қилишга мўлжалланган. Олдиндан тасмага муҳрланган видеомаърузалар талабаларга маърузаларни тинглаш ва кўриш имконини берса, факсимал алоқа, хабарлар, топшириқларни тармоқ орқали тезкор алмашилиш талабаларга ўзаро тесқари алоқа орқали ўқитиш имконини беради.

Масофавий ўқитишнинг таълим тизимида бир-биридан фарқланувчи модел ва шакллари мавжуд бўлиб, улар қуйидаги қўлланиш шартлари билан фарқланади:

1. Географик шартлар (масалан, мамлакат худуди, марказдан узоқликда жойлашуви, иқлими);
2. Мамлакатнинг ахборотлашуви ва компьютерлаштириш умумий даражаси;
3. Коммуникация ва транспорт воситаларининг ривожланиш даражаси;

4. Таълим жараёнида ахборот ва коммуникация технологиялари воситаларининг қўлланиш даражаси;
5. Таълимда қўлланиладиган анъаналари;
6. Масофавий ўқитиш тизими учун илмий педагог кадрлар мавжудлиги ва уларнинг салоҳияти ва бошқалар.

Масофадан ўқитиш тизимлари

Бугун дунёнинг ривожланган барча мамлакатларида масофавий таълим кенг жорий этилган. Масалан, АҚШ масофадан ўқитиш технологияси бўйича Virginia Commonwealth University MCV ни олиб кўрайлик. Бу усулдан бир-неча йиллар давомида фойдаланилмоқда. Унда магистратурани тугатган врачлар ўқийди. Врачлар дунёнинг турли нуқталаридан туриб ўқиш имкониятига эга бўладилар. Баъзи бакалаврият талабалари бир-неча мутахассисликни эгаллаш мақсадида бу усулдан фойдаланишади. Масофадан ўқитишда одатда ишлаётганлар, оналар, ўқиётганлар бирор мутахассисликни эгаллаш ёки малакасини ошириш мақсадида ўқийди. Бу услуб ногиронлар учун жуда қулайдир. Масофадан ўқитишда хаттоки маҳбуслар ҳам ўқиш имконига эга.

Масофадан ўқитиш ташкилий иқтисодий афзалликларга ҳам эга. Масофадан ўқитиш учун талабалар учун аудиториялар, ётоқхоналар зарур эмас. Масофадан ўқитишда молиявий харажатлар асосан ўқув услубий материаллар тайёрлаш учун, махсус аудиториялар учун сарфланади. Бу харажатларнинг асосий қисми бу жараённи ташкил этиш босқичида сарфланади. Кейинчалик молиявий харажатлар камаяди. Шунинг учун талабалар сонини ошиши билан ўқиш нархи ҳам пасаяди. Масофадан ўқитишда асосий эътиборни ўқув услубий материалларни тайёрлашга қаратиш даркор. Чунки ўқув услубий материалларнинг сифати Масофадан ўқитиш сифатининг энг асосий омилларидан биридир. Ўқув услубий материал

канчалик тушунарли ва батафсил бўлса, шунчалик у ўқувчига фойдали бўлади. Яъни материал услубий жиҳатдан пухта бўлиши зарур.

Масофадан ўқитиш услубий материаллари қуйидагилардир:

- Дарслик
- Аудио ва видео дарсликлар
- Он-лайн дарслар (Интернет саҳифа)
- Электрон кутубхоналар
- Тестлар
- Мультимедиа - электрон дарсликлар

Ҳозирги кунда республикамизда ҳам масофадан ўқитиш услубий материаллари айрим фанларни ўқитишда фойдаланилмоқда ва яхши натижалар бермоқда. Электрон кутубхоналар, электрон дарсликлар, он-лайн дарсликлар расмга кирмоқда.

Масофадан ўқитишда виртуал кутубхоналар, спутник орқали видео-конференциялар, дарслар, Интернет ёрдамида мулоқот ва ахборот олиш имкониятлари пайдо бўлди. Бу эса ўқувчи учун махсус ўқиш доирасини берди. Ўқувчининг фанни ўзлаштириш тезлиги ва сифати кескин яхшиланди. Дунёда кўпгина университетларда ва ўқув марказларида бу усул мавжуд. Одатда вазифалар кетма-кетлиги тахминан қуйидаги тартибда амалга оширилади: керакли манзилни Интернетдан топиш ва манзилга кириб бу ўқиш талабаси бўлиш учун махсус шаклни тўлдириш зарур. Аввал курснинг ва ўқиш тартиби тавсифи билан танишиб чиқиш мумкин. Кейин шаклдаги сатрларни тўлдириб, кредит карточка рақамини киритиш зарур.

Курсга кириш тартиби турлича, бу мутахассисликка боғлиқ. Ўқиш тартиби қуйидагича: ўқитувчи курс билан таништиради ва топшириқлар беради. Сиз кўрсатилган манбалар билан ишлаб топшириқларни бажарасиз ва

ўқитувчига юборасиз. Ўқитувчи уни текшириб, жавобни сизга қайтаради. Зарур ҳолда кўрсатмалар беради. Шу тартибда курс мавзулари ўрганиб чиқилади. Музокара асосан электрон почта орқали амалга оширилади. Телефон тармоғидан ҳам баъзан фойдаланилади. Босма ўқув материаллари почта орқали юборилади. Ўқиш жараёнида талаба дарсликлардан, электрон кутубхона ва дарсликлардан, электрон форумлардан, видеоконференциялардан фойдаланади. Бунда ўқиш индивидуал шаклда олиб борилади ва ўқитувчи ўқувчининг қобилияти ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқитади. Бу индивидуаллик ўқувчида қизиқиш уйғотади ва уни ўқишда активликка рағбатлантиради.

Масофавий таълим институти

Электрон университетлар – бу Интернетдан фойдаланган ҳолда таълимнинг янги технология ва шаклидир. Электрон университетда таълим жараёни Интернет орқали иш жойида ва уйда, олий ва ўрта махсус таълим муассасасида ва мактабда, ҳатто хизмат сафарида ташкил этилиши мумкин. Биз қуйида мавжуд интернет технология асосида фаолият юритувчи Электрон университетлар хусусида тўхталамиз.

Электрон университетлар орасида етакчи университет Бутун жаҳон тақсимот университети ҳисобланади (<http://wdu2.da.ru>). Университетнинг бўлимлари Москвада, Останада, Софияда, Брюсселда, Петербургда, Олмаотада очилган. Университетни таъсис этувчиси - Халқаро Ахборотлаштириш Академияси, у дунёнинг 60 мамлакатада ўз бўлимларига эга³¹. Университетнинг асосий мақсад ва йўналиши – магистр, менеджер ва электрон тижорат соҳасида дунё стандартларига мос Интернет – технологиялар асосида фаолият юритувчи мутахассислар тайёрлаш. Электрон университетда таълим технологияси ОТМдаги сиртқи таълим билан

³¹ Мухриддинова М.Т. Масофавий ўқитиш асослари. Тошкент Ахборот технологиялари университети Электрон кутубхонаси, 2011. – <http://www.vu.tuit.uz>.

Ўхшаш – тингловчилар адабиётлар ва интернет-дарсликларни мустақил ўрганишади ҳамда курс ва интернет-лойиҳаларни бажаришади. Курс лойиҳаларидан намуналар – WDU Электрон университетнинг ахборот сайтлари, электрон дўконлар, электрон каталоглар, серверларнинг маълумотлар базалари <http://wdu2.da.ru> сайтида жойлаштирилган. Бутунжаҳон тақсимот университети ўз низомига мувофиқ қуйидаги йўналишлар бўйича магистрлар тайёрлайди:

- Электрон Тижорат MBA
- Лойиҳалар бошқариш MBA
- Интернет-Технологиялар MCS
- Компьютер Ҳуқуқи ML

“Интернет – Технология” дастури “Электрон тижорат” интернет лойиҳаси соҳасида менеджерлар тайёрлашга йўналтирилган. Лойиҳани битирувчилар халқаро “Master of Computer Science” магистрлик дипломини оладилар. “Электрон тижорат” ва “Лойиҳаларни бошқариш” дастури Интернет-лойиҳа ва Интернет-дўконлар бўйича менеджерлар тайёрлашга йўналтирилган. Лойиҳани битирувчилар MBA – “Master of Business Administration” магистрлик дипломини оладилар. Интернет лойиҳалар бўйича курс ишларини бажарган Бутун жаҳон тақсимот университети тингловчилари Web-мастер, Web-дизайнер, Office-менеджер ва Project-менеджер халқаро сертификатларига эга бўладилар. Электрон университетнинг асосий хусусиятларидан бири дарс машғулотларини, имтиҳон ва синовларни масофавий таълим технологияси асосида ташкил этилганлигидадир. Электрон кутубхонада университетнинг Интернетда информатика, электрон тижорат, интернет-технология, компьютерли бухгалтерия ҳисоби, тармоқли маълумотлар базаси, молиявий менежмент ва маркетинг бўйича очиқ интернет-дарсликлари жойлашган. Университетнинг барча талабалари индивидуал дастур асосида

Ўқитилади, уларнинг имтиҳон ва синов натижалари баённомалар билан Интернетда сақланади.

Томск Давлат университетининг Интернетда “Электрон университет” таълим портали мавжуддир.

Россия таълим порталларидан яна бири “Электрон университет” Интернетда <http://distance.ru/> манзилда жойлашган. “Электрон университет” ўз қидирув тизимига эга бўлиб, фаоллаштирилувчи форум, почта, сайтга кириш, фойдаланувчини қайд этиш бўлимига эга бўлиб, у Бош, Ҳуқуқий информациялар, Буйруқлар, Қабул хайъати, Ўқув жараёни, Давлат аттестацияси, Халқаро муносабатлар, масофа халқаси каби меню бандларига эга. Россия Халқлар дўстлиги университетининг “Россия таълими федерал портали” <http://www.edu.ru/> интернет манзилида жойлашган бўлиб, ўз қидирув тизимига, Каталог, Ресурслар, Сайтлар, ОТМлар, Карталар, Қонунлар, Стандартлар, Хужжатлар, Луғатлар, Янгиликлар, Форумлар, Сизнинг саҳифангиз, Рўйхатдан ўтиш, Портал кутубхонаси, Ўқув методик кутубхона каби меню бандаларига эга.

Мамалакатимизда биринчилардан бўлиб Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика университетиде замонавий инновацион технологияларни ўқув жараёнига тадбиқ этиш, таълим жараёни қатнашчиларининг ўзаро алоқасини таъминлаш, таълим жараёнини педагогик ресурслар билан таъминлаш, ахборот ва замонавий таълим технологияларини ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг педагогика таълим муассасаларининг ягона ахборот макони – www.pedagog.uz портали яратилган (У.Ш.Бегимкулов раҳбарлигида)³². У ягона электрон таълимий ва илмий ресурслар; ягона битирувчилар базаси ва кадрларга электрон буюртма бериш тизими; масофавий таълим ресурслари; масофавий малака ошириш

³² Мухриддинова М.Т. Масофавий ўқитиш асослари. Тошкент Ахборот технологиялари университети Электрон кутубхонаси, 2011. – <http://www.vu.tuit.uz>.

курслари; тарбияга оид электрон ресурслар; электрон ўқув-методик мажмуалар; педагогика бўйича Ихтисослашган ҳимоя Кенгашлари фаолияти очик электрон тизими; ёш ўқитувчиларни методик қўллаш электрон тизими электрон конференция-форум; республикада педагогик таълимни электрон тарғибот тизими каби ахборот-таълим ресурсларидан ташкил топган. Порталда педагогика соҳасида илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўйича ресурслар ташкил этишга алоҳида эътибор берилган. Жумладан, унда илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўйича маълумотлар, ихтисослашган ҳимоя Кенгашлари фаолияти ёритилган. Педагогик олий таълим муассасаларида таълим олиш истагида бўлган абитуриентлар учун алоҳида маълумотлар саҳифаси жойлаштирилган. Унда абитуриентларга эслатма, республика олий педагогик таълим муассасалари қабул кўрсаткичлари берилган.

Ўзбекистон Республикасида масофавий таълимнинг ягона тизимини тузиш ва ривожлантириш концепцияси Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида махсус сиртки таълим ўқув жараёнини ташкил этиш бўйича йўриқнома, Таълим ривожланишининг замонавий босқичи янги таълимий технологияларнинг пайдо бўлиши ва унинг юқори сураътларда ахборотлашаётгани билан изоҳланади. Авваллари масофавий таълимга таълим олишнинг бир формасига қарагандай қаралган бўлса, ҳозир таълим олишнинг анъанавий формаларида ва олий ўқув юртларида масофавий таълимнинг у ёки бу элементидан (таркибий қисмидан) фойдаланилмоқда. Дунёда ахборот технологияларининг жадал ривожланишини ҳисобга олиб, таълим жараёнини амалга оширишни ўз ичига олган таълим бозори ва таълим муҳити ҳам ўзгармоқда. Дунёвий интилиш шуни кўрсатадики, келажак таълим жараёнининг моделларидадир. Бу моделлар ўз ичига турли воситалар, услублар, технологиялар ва масофавий таълимни ўз ичига олади.

Сўнги йилларда ўқув жараёнида АКТ ни тадбиқ этиш ва фойдаланиш соҳасида олий ўқув юртларини кадрлар билан таъминлаш имкониятининг моддий технологик базаси мустаҳкамланмоқда. Ҳозирги вақтда

Республикамизнинг олий таълим муассасалари www.edu.uz махсуслаштирилган ахборот – таълим портали яратилган, у олий таълим бўйича норматив ва услубий ҳужжатлар, илмий характерга эга бўлган ахборот ресурсларини ўз ичига олади. Ҳозирда “ZiyoNET” ижтимоий илмий тармоғида турли типдаги тўлиқ матнли электрон – илмий ресурслар (хомашё, (маъруза конспектлари, ўқув – услубий қўлланмалар, рефератлар) битирув ишлари, мақолалар ва ҳаказо) мавжуд. Республикамизнинг деярли барча Ахборот – кутубхона ресурс марказлари замонавий техник жихозлар билан жиҳозланган ва “ZiyoNET” ижтимоий илмий тармоқга уланган. Ахборот уюшмасида аъзоларнинг юқори даражали билимга эга бўлишлари биринчи ўринда туради. Фақатгина юқори билимга эга бўлган одамларгина ахборотлардан кудратли ишлаб чиқарувчи ресурс сифатида фойдалана оладилар. Бозор иқтисодиёти, техника ва технология, шунингдек “Ахборот портлаши” эффектнинг ривожланиши жамиятни ҳар бир аъзосидан ўз билимларини ҳар доим янгилаб боришларини талаб қилади. Одамзодга “Умр бўйи билими” етарли эмас, аксинча “Умри давомидаги билими керак”. Таълим борган сари узлуксиз бўлиб боряпти. Мос равишда таълим жараёни характери ҳам ўзгармоқда. Шу билан биргаликда глобал нуқтаи назаридан АКТ ни таълимга тадбиқ этиш заруриятини ҳам белгилаб ўтиш зарур:

Биринчидан, АКТ таълим учун янги имкониятлар яратди ва кенг доирада аҳолини жалб этиш имконини беради ва шахсни билимга интилиш талабини қондириш, танлаган касб фаолиятида малакасини ошириш;

Иккинчидан, зарур ахборотдан фойдаланиш учун йўл очиб беради, ахборот алмашинувидаги уланишларни бартараф этади;

Учинчидан, мамлакатга маблағларни жалб этишга ёрдам беради, таълим сифатини оширишга ёрдам беради, ишлаб чиқариш ва бошқаришда ўсиб боровчи технологияларни ўсишига кўмаклашади;

Тўртинчидан, АКТ иқтисодий самарадорликни ошириш ва табиийки интеграция суръатини тезлаштиради.

Шунга боғлиқ ҳолда, таълим жараёнини ахборотлаш, сифатини ошириш ва ахборот, телекоммуникация ва педагогик технологияларни янги эришган ютуқлардан фойдаланиш муаммолари долзарб бўлиб қолмоқда. Шуларга мос равишда мамалакатимизда Масофавий таълим тизими (МТТ) кенг йўлга қўйилмоқда. Бу тизимни яратиш ва ривожлантириш қуйидаги пировард мақсадларни ўзида ифода этади:

1. Бир бутун таълим тизимини ривожлантиришнинг барқарор механизмни яратиш унинг ХХІ аср чақириқларига мос келиши, давлат ривожланишининг ижтимоий иқтисодий талабларига мос келиши, шахс, жамият ва давлат талабларига мос келиши;
2. Республика илмий ва таълим потенциали компьютер технологиялари ва замонавий телекоммуникация технологияларидан фаол фойдаланиш ҳисобига таълим сифатини ошириш;
3. Кенг қамровда аҳолига сифатли таълим асосий ва қўшимча таълимни асосий иш фаолияти билан параллел равишда ташкил этиш;
4. Сифатли тайёрланган кадрлар билан давлат талабини қондириш ва бошқалар.

Республикаимизда МТТ ни яратиш ва ривожлантириш бир неча босқичларга бўлинган ҳолда Концепция асосида амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси МТТ яратиш ва ривожлантириш Концепциясининг биринчи босқичи 2008-2009 йилларни қамраб олган. Бу босқичда тизим учун фундаментал аҳамиятга эга қатор ишлар амалга ошириш назарда тутилган эди
Жумладан:

1. МТ бўйича координацион кенгаш яратиш;

2. МТ га асос бўладиган норматив ҳужжатлар ишлаб чиқиш;
3. ОТМ да МТ марказлари яратиш;
4. “Ахборот технологиялари” ва “Педагогика” йўналиши бўйича бакалаврларни тайёрлаш учун МТ моделлари, технологияларидан фойдаланишнинг ўзига хослиги ва нормаларни ҳисобга олган ҳолда ўқув – услубий мажмуа масофавий курс ва ўқув дастурларини яратиш;
5. Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Давлат Педагогика университети ва Тошкент Ахборот Технологиялари университетларида сиртки масофавий таълим марказини яратиш;
6. Олдин танланган йўналишлар бўйича махсус сиртки формада ходимларни тайёрлашда ўқув – услубий мажмуаси МТ технологиясини муҳокама қилиш.
7. МТТ нинг норматив ҳужжатларини ва ўқув – услубий мажмуини мукамаллаштириш бўйича олинган натижаларни таҳлил қилиш.

Концепциянинг иккинчи босқич 2010 – 2012 йилларни ўз ичига олиб, унда қуйидаги масалаларни ҳал қилиш мақсад қилинган эди:

1. Масофавий технология хизматларини тақдим этувчи ўқув дастурларини, масофавий курсларни лицензиялаш, таълим муассасаларини атестация ва аккредитациялашни баҳолаш ва сертификатциялаш бўйича норматив ҳужжатлар ишлаб чиқиш;
2. Шаффоф ва унумли алтернатив тизимлар атестацияси ва бошқалар.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси МТТ яратиш ва ривожлантириш Концепцияси ўзининг учинчи босқичида. Фикримизча, МТТ ўзининг пировард мақсадларига эришиши учун масофавий таълим тизими олдида қуйидаги ўзаро боғлиқ комплекс масалаларни ечиш турибди:

1. Ўқитиш дастурларини сертификатлаш ва баҳолаш, масофавий курслар, лицензиялаш масофавий технологиядан фойдаланган ҳолда ўз хизматларини таклиф этувчи таълим муассасаларини аттестация ва аккредитлаш норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
2. Масофавий таълим моделлари, нормалари ва фойдаланишнинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда ўқув дастурлари, масофавий курслар ва ўқув – услубий мажмуалар ишлаб чиқиш;
3. Шафоф ва унумли альтернатив тизимлар аттестацияси ва олий ўқув муассасаларида масофавий таълим сифатини назорат қилишни шакллантириш ва ҳаракатга келтириш;
4. Масофавий таълим тизими учун ўқитувчи кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;
5. Масофавий таълим тизими ўқув жараёнини ташкил этиш ва умумий координация (мувофиқлик) ни таъминлаш, шунингдек масофавий таълим ташкилий ҳуқуқий технологик, техник, ўқув услубий соҳаларда илмий изланишлар ва ишланмалар билан таъминлаш;
6. МТТ ижтимоий йўналишни кучайтириш;
7. Таълим сиёсати субъектлари орасида жавобгарликни тарқатиш ва таълим жараёни қатнашчилари бўлмиш – ўрганувчи, педогог, ота – она, ўқув муассасаси асосида МТТ ни очиқ давлат – жамият тизими сифатида ривожлантириш.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, масофавий ўқитиш бугунги кунда нафақат ўқув масканлари учун зарур, балки бугунги кундаги глобализациялаш жараёнида катта-катта корхоналар, муассасалар учун ўзларига мутахасислар тайёрлашда, уларни қайта тайёрлашда ва уларнинг билим даражаларини ва кўникмаларини юқори даражада ушлаб туришда муҳим аҳамиятга эга. Масофавий ўқитишни қўллаган ҳолда аҳолининг умумий билим даражасини

ва бу билимнинг сифатини ошириш имкони мавжуд. Аҳолининг барча қатламларини ва билим олишдаги ихтиёрий талабларини қондириш мумкин бўлади. Билимларни ўз вақтида кенг аҳолига тарқатиш имкони мавжуд. Ягона таълим муҳитини яратиб, унда барча билимларни мужассамлаштириш имкони мавжуд.

Хулоса

Дунёнинг қайси бурчагини олиб қарамайлик жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оз бўлсада ўзининг таъсирини ўтказиб улгурган. Инқироз барча жабҳаларга кириб бориб ишлаб чиқариш суръатларининг пасайишига, жаҳон бозорида талабнинг камайиб кетишига, ишсизликнинг юқори суръатлар билан ортишига сабаб бўлмоқда. Кўпчилик фуқаролар ўз ишларидан айрилмоқдалар. Лекин юқоридаги салбий оқибатлар таъсир кўрсатмаган ахборот-коммуникация технологиялари ва Интернет халқаро тармоғи билан боғлиқ бўлган шундай соҳалар борки, бугун бу соҳаларга дунё ҳамжамияти ўз диққат марказини қаратмоқда. Моддий эҳтиёжлардан кейинги ўринда мазкур соҳа ўзида барчани жамлайди. Бунинг бир нечта сабаблари бор. Биринчидан, барча ахборотга интилади. Бунда ахборот иқтисодий, ижтимоий, маданий, сиёсий, маърифий, спортга оид, шоу бизнесга оид ва бошқа кўплаб соҳаларга тегишли бўлиши мумкин. Иккинчидан, барча даромад қилиш пайида бўлади. Бунда кўпчиликка виртуал олам ва унинг кенг имкониятлари кўл келади.

Виртуал олам ҳақида гап кетганда, Интернет халқаро тармоғи ва унинг имкониятларининг кенг татбиқ қилиниши энг асосий масалалардан биридир. Эътиборингизга шуни айтишни истардикки, бугун биргина АҚШда 27 миллион киши ўз уйларидан туриб фақат Интернет воситасида пул топишади³³.

Буюк Британия электрон тижорат соҳаси аҳолига нисбатан ҳисоблаганда дунёдаги энг йирик бозорларда бири ҳисобланади. 2009 йил яқунларига кўра мамлакат Интернет-иқтисодиёти 100 милиард фунт стерлингни ташкил қилган, бу Буюк Британия ялпи ички маҳсулотининг 9 фоизига тенгдир.³⁴

³³Қудратхўжаев Ш.Т. Журналист фаолиятида Интернетдан фойдаланиш. Услубий қўлланма. – Т.: Чинор ЭНК, 2010.

³⁴ Фозилжонов Х. Электрон тижорат – иқтисодиётнинг замонавий тармоғи. //Ма'рифат, 2013 йил 15 май, № 39 (8584)

Бундай маълумотларни кўплаб келтириш мумкин. Мамлакатимизда ҳам масофавий банк хизматлари, электрон тўлов тизимлари ва электрон тижорат ривожланиб бормоқда. Бугун мамлакатимиз аҳолисининг деярли учтадан биттаси Интернет ва унинг имкониятларидан фойдаланмоқда³⁵. Бу Интернет ва унинг соҳаларга татбиқ қилинишига ҳам ўзининг ижобий таъсирларини кўрсатмоқда. Ҳозирда Республикамиз тижорат банклари миждозларининг 107 минг нафардан ортиқроғи “wap-banking” ва “sms-banking” хизматларидан фойдаланишмоқда. 2013 йилнинг биринчи чорагида бу хизматдан фойдаланувчилар сонининг 50 фоизга ошганлигини алоҳида таъкидлашни истардик³⁶.

Мамлакатимизда Интернет халқаро тармоғи имкониятларинг татбиқ этилиши истиқболли келажакка эгадир. Буни чет эллик соҳанинг йирик мутахассислари ҳам таъкидлашмоқда³⁷.

Лекин қилинаётган барча сай-ҳаракатлар билан бир қаторда соҳада ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Бу муаммоларни ечимини топишда қуйидагиларни таклиф қиламиз:

1. Ҳозирда амалиётда кенг қўлланилаётган янги инновацион банк хизматларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;
2. Мамлакатимиз банкларида интернет-банкнинг, банк-миждоз тизимлари, мобил-банкнинг тизимлари каби хизмат турларини жорий этишни янада кенгайтириш;
3. Республикамизнинг барча ҳудудларида банк мутахассислари, миждозлар ва мазкур соҳага қизиқувчилар учун ўқув семинарлари ва тренинглар

³⁵ Число интернет-пользователей превысило 10 миллионов. – <http://www.gazeta.uz> (28.05.2013)

³⁶ Современные технологии открывает новые горизонты банковского бизнеса. – <http://www.infoman.uz> (27.05.2013)

³⁷ Рахматуллаев М. Настоящее и будущее интернет-продаж в Узбекистане. – <http://www.12news.uz> (13.05.2013)

- ташқил қилиш, уларни ўтказиш, бунда ОАВ имкониятларидан кенгрок фойдаланиш;
4. Амалиётда операцияларни амалга оширишда электрон рақамли имзоларнинг ҳавфсизлигини таъминлашнинг бугунги кун талабларига мос келадиган дастурларини ишлаб чиқиш;
 5. Масофадан банк хизматлари кўрсатишда нафақат одатий ва оддий, балки кредит бериш каби мураккаброқ хизмат турларини ҳам ҳавфсизлик масаларини ҳисобга олган ҳолда ривожлантириш;
 6. Интернет-банкнинг тизимида ҳам миллий валютада, ҳам чет эл валютасида муддатли омонотлар очиш ва уларни юритишни жорий қилиш;
 7. Янги банк хизматларини ривожлантириш учун илмий тадқиқот ишларига кўпроқ этибор бериш;
 8. Электрон тижорат соҳасининг имкониятларидан самарали фойдаланиш учун соҳада олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари ҳажмини ошириш, малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш;
 9. Телекоммуникация хизматларини кўрсатиш соҳасида рақобатни ривожлантириш;
 10. Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришни бутун республика бўйлаб бир хилда тарқалишини таъминлаш;
 11. On-line banking тизимини ривожлантириш ва жорий этишни давом эттириш;
 12. Ўқитиш дастурларини сертификатлаш ва баҳолаш, масофавий курслар ва масофавий технологиядан фойдаланган ҳолда ўз хизматларини таклиф этувчи таълим муассасаларини аттестация ва аккредитлаш норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
 13. Масофавий таълим моделлари, нормалари ва фойдаланишнинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда ўқув дастурлари, масофавий курслар ва ўқув – услубий мажмуалар ишлаб чиқиш;

14. Шафоф ва унумли альтернатив тизимлар атестацияси ва олий ўқув муассасаларида масофавий таълим сифатини назорат қилишни шакллантириш ва ҳаракатга келтириш;
15. Масофавий таълим тизими учун ўқитувчи кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;
16. Масофавий таълим тизими ўқув жараёнини ташкил этиш ва умумий координация (мувофиқлик) ни таъминлаш, шунингдек масофавий таълим ташкилий ҳуқуқий технологик, техник, ўқув услубий соҳаларда илмий изланишлар ва ишланмалар билан таъминлаш;
17. МТТ ижтимоий йўналишни кучайтириш;
18. Таълим сиёсати субъектлари орасида жавобгарликни тарқатиш ва таълим жараёни қатнашчилари бўлмиш – ўрганувчи, педогог, ота – она, ўқув муассасаси асосида МТТ ни очик давлат – жамият тизими сифатида ривожлантириш.

Соҳада бугунги кунда юзага келаётган тўсиқ ва муаммоларнинг ҳал этилиши электрон тижорат тизимининг келгуси истиқболларини белгилаб беради. Соҳа ривожини жамиятимиз учун бир қанча ижобий яқунларга олиб келади. Хусусан:

1. Тизимнинг ривожланиши мамлакатимиз меҳнат бозори учун ижобий натижаларга олиб келади, янги иш ўринларининг яратилишига туртки бўлади;
2. Иқтисодийнинг барқарорлашишига, товар ва хизматлар рақобатбардошлигининг ошишига олиб келади;
3. Маркетинг ва менежмент каби соҳаларнинг ривожланиши ҳисобига аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишига эришилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизда Интернет имкониятларининг татбиқ қилинишида мавжуд муаммоларни ҳал қилишнинг тўғри йўли танланганлиги халқ фаровонлигида, жамиятимизнинг тараққий топишида, иқтисодийтимизнинг ривожланишида ўз аксини топади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Расмий ҳужжатлар

I.1. Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 1992
2. "Электрон тижорат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 29 апрелдаги № 613-II-сонли Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 20-сон
3. "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги № 562-II-сонли Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1-2-сон
4. "Электрон тўловлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 16 декабрдаги ЎРҚ-13-сонли Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 51-сон
5. "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 29 апрелдаги № 611-II-сонли Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 20-сон
6. "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги № 560-II-сонли Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1-2-сон
7. "Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 4 апрелдаги ЎРҚ-30-сонли Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 14-сон

I.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорлари

1. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 2012 йил 21 март. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 13-сон

2. Электрон харидлар тизимини мақбуллаштириш ва улардан тадбиркорлик субъектларининг фойдаланишини кенгайтириш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 2013 йил 5 апрель. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 15-сон

I.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари

1. “Электрон тижорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш, шунингдек замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда савдони ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори, 2007 йил 30 январь. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 4-6-сон
2. Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори, 2012 йил 30 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 2-сон
3. Электрон шаклдаги контрактлар ва электрон тижоратда қўлланиладиган ҳужжатларнинг бошқа намунавий шаклларини тайёрлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида: Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитасининг қарори, 2007 йил 5 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 46-47-сон

I.4. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари

1. Пул воситаларининг банклараро электрон бозорида операцияларни амалга ошириш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг Низоми, 2005 йил 26 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 2-сон
2. Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиб тўлов тизимларини ташкил қилиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг Қоидаси, 2008 йил 2 январь. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 6-7-сон

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик. – Т.: Ўзбекистон, 2005
2. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. Т.18. – Т.: Ўзбекистон, 2010
3. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. – Т.: Ўзбекистон, 2011
4. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Т.20.- Т.: Ўзбекистон, 2012

III. Дарслик ва ўқув қўлланмалар

1. Симинович С.В., Мураховский В.И., Евсеев Г.А. Новые возможности Интернета. Необходимый самоучитель. – Спб.: Питер, 2008
2. Qudratxo'jaev Sh.T. Internet: tarixi, tuzulishi, texnik xavfsizlik. O'quv-uslubiy qo'llanma. – Т.:О'zbekiston, 2011
3. Қудратхўжаев Ш.Т. Интернет: тарихи, тузулиши, хавфсизлик масалалари. Услубий қўлланма. – Т.:Чинор ЭНК, 2010

4. Қудратхўжаев Ш.Т. Журналист фаолиятида Интернетдан фойдаланиш. Услубий қўлланма. – Т.: Чинор ЭНК, 2010
5. Куцев А.Г., Тарханова Е.А. Новые банковские продукты: Учебное пособие. – Тюмень: ТюмГУ, 2007
6. Коробовой Г.Г. Банковское дело: Учебник. – М.: Экономистъ, 2003
7. Лаврушина О.И. Банковское дело: Учебник. – М.: КНОРУС, 2005
8. Тедеев А.А. Электронные банковские услуги: Учебное пособие. – М.: ЭКСМО, 2005
9. Тедеев А.А. Электронные банковские услуги и Интернет-банкинг: правовое регулирование и налогообложение. – М.: ЭКСМО, 2002
10. Афолина С.В. Электронные деньги: Учебное пособие. – Спб.: Питер, 2001
11. Балабанов И.Т. Электронная коммерция: Учебное пособие для вузов. – Спб.: Питер, 2001
12. Парпиев А., Марахимов А., Ҳамдамов Р., Бегимкулов У., Бекмурадов М., Тайлоқов Н. Электрон университет. Масофавий таълим технологиялари. – Т.: ЎзМЭ, 2008
13. Абдукадиров А.А. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти: монография. – Т.: ФАН, 2009.
14. Марахимов А.Р., Раҳмонқулова С.И. Интернет ва ундан фойдаланиш асослари. Тошкент Ахборот технологиялари университети Электрон кутубхонаси, 2011. – <http://www.vu.tuit.uz>.
15. Якубов М.С. Электрон тижорат асослари. Тошкент Ахборот технологиялари университети Электрон кутубхонаси, 2011. – <http://www.vu.tuit.uz>.
16. Султонов Х.Б. ва бошқалар. Ахборот технологиялари: маърузалар матни. – Т.: ТАТУ, 2011
17. Мухриддинова М.Т. Масофавий ўқитиш асослари. Тошкент Ахборот технологиялари университети Электрон кутубхонаси, 2011. – <http://www.vu.tuit.uz>.

IV. Мақолалар

1. Қудратхўжаев Ш.Т. Интернет: благо или зло? Предпосылки создания, история и тенденции развития, схожесть оценок, инструмент в чьих руках...//«ЎзМУ хабарлари». 2010, № 1
2. Қудратхўжаев Ш.Т. Интернет ва атом: яратилиш тарихи, ривожланиш босқичлари, замонавий таъсирлар. //“Жамият ва бошқарув”. 2010, № 1
3. Қудратхўжаев Ш.Т. Интернет: ривожланиш босқичлари ва замонавий таъсир. //“Huquqvaburch”. 2010, № 11
4. Қудратхўжаев Ш.Т. Интернет ва атом. //“Тафаккур”. 2011, № 2
5. Қудратхўжаев Ш.Т. Интернетнинг ривожланиш тамойиллари. “Журналист маҳоратини ривожлантиришда жаҳон тилларининг ўрни” мавзуидаги конференция материаллари асосидаги тўплам. – Т.: ЎзМУ, 2011
6. Муратова Н.Ф. Интернет журналистика в Узбекистане: достижения, возможности, задачи. “Журналист маҳоратини оширишда жаҳон тилларининг ўрни” мавзуидаги конференция материаллари асосидаги тўплам. – Т.: ЎзМУ, 2011
7. Муратова Н.Ф. Воздействие информационно-коммуникационных и Интернет технологий на современную медиасреду. //«ICTNEWS АКТ янгиликлари бюллетени». Тошкент, 2010
8. Фозилжонов Х. Электрон тижорат – иқтисодиётнинг замонавий тармоғи. //Ma’rifat, 2013 йил 15 май, № 39 (8584)
9. Ёқубов У. Маърифат ва жаҳолат чорраҳаси. //Ma’rifat, 2013 йил 22 май, № 41 (8586)
10. Рўзиқулов А.А. Электрон тижорат: имкониятлар, муаммолар ва ечимлар. //“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали, 2012, № 3

11. Алиқориев О.Ф. Интернет банкинг – инновацион банк хизмати. //“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журналі, 2011, № 1
12. Ишеев И. Дистанционное образование – проект, который создается профессионалами компании Polymedia. – <http://www.infocom.uz>. (10.05.2013)
13. Иминов Т., Арипов А., Халматов С. Об информационном разрыве (динамика, тенденция и пути преодоления. – <http://www.infocom.uz>. (02.04.2013)
14. Электронный документооборот – современный способ организации рабочего процесса. – <http://www.infocom.uz>. (30.04.2013)
15. Старцева А.Л. Электронный документооборот – основа для внедрения ИТ на предприятии. – <http://www.infocom.uz>. (11.05.2008)
16. Сидорова Ю.И., Курсанова А.Г. WebMoney Uzbekistan. Инфраструктура электронной коммерции. – <http://www.infocom.uz>. (04.12.2009)
17. Курочкин А. Перспективы развития электронных платёжных систем в Узбекистане. – <http://www.infocom.uz>. (16.12.2009)
18. Каримова В. Анализ развития систем электронной коммерции Узбекистана в секторе В2С. – <http://www.infocom.uz>. (19.12.2009)
19. Турсунов Л. Мобиль ва Интернет-банкинг: Ўзбекистонда унинг фойдаланувчилари қанча? – <http://www.xabar.uz>. (20.04.2012)
20. Держатели EMV-карт получили возможность совершать онлайн-платежи. – <http://www.ictnews.uz>. (07.05.2013)
21. Число интернет-пользователей превысило 10 миллионов. – <http://www.gazeta.uz> (28.05.2013)
22. Современные технологии открывает новые горизонты банковского бизнеса. – <http://www.infoman.uz> (27.05.2013)
23. Рахматуллаев М. Настоящее и будущее интернет-продаж в Узбекистане. – <http://www.12news.uz> (13.05.2013)

V. Фойдаланилган статистик маълумотлар

1. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникацион технологиялари Давлат қўмитасининг 2012 йил бўйича ахборот-коммуникация технологиялари соҳаларининг ривожланиш кўрсаткичлари. – <http://www.ccitt.uz>. (31.01.2013)
2. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникацион технологиялари Давлат қўмитасининг 2013 йил 1-чорак бўйича ахборот-коммуникация технологиялари соҳаларининг ривожланиш кўрсаткичлари. – <http://www.ccitt.uz> .(28.04.2013)
3. Ўзбекистон тўлов тизимларининг йиллик статистик жадвали. – <http://www.cbu.uz>. (январь 2013)

VI. Интернет саҳифалари

1. www.gov.uz
2. www.lex.uz
3. www.ccitt.uz
4. www.uzinfocom.uz
5. www.infocom.uz
6. www.vu.tuit.uz
7. www.dl.uz
8. www.cbu.uz
9. www.ziyonet.uz
10. www.pedagog.uz
11. www.ictnews.uz
12. www.unicon.uz
13. www.gazeta.uz
14. www.cctld.uz
15. www.bank.uz
16. www.uza.uz
17. www.eneews.uz
18. www.ict.gov.uz

19. www.usenet.uz
20. www.texnomen.uz
21. www.xabar.uz
22. www.infoman.uz
23. www.12news.uz